7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019й. 27 майдаги Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони

8. Глоссарий международных стандартов в области уголовного права//ОЭСР.2007.- С.67

9. Многоликая коррупция: Выявление уязвимых мест на уровне секторов экономики и государственного управления / Под ред. Э. Кампоса и С. Прадхана; Пер. с англ. — М.: Альпина Паблшерз, 2010. — 551 с.

10. Джеймс Х. Андерсон Шерил В. Грэй Борьба с коррупцией в переходный период 3: Кто добивается успехов и почему? // The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. 2006. С.34

11. Основные концепции антикоррупционной деятельности//Учебное пособие. Отдел сотрудничества по экономической преступности. Департамент борьбы с преступностью. Генеральный директорат по правам человека и верховенству права Совета Европы 2-е издание ноябрь 2014 года. С.56

12. Professionalism and integrity in the public service //The Centre for Integrity in the Defence Sector (CIDS) was established by the Norwegian Ministry of Defence in 2012.

13. Инструментарий обеспечения неподкупности, разработанный в рамках инициативы CleanGovBiz.ОЭСР, 2014

14. Исмаилов Б.И. Становление морально-этических стандартов государственной службы в Республике Узбекистан и зарубежных странах. Методическое пособие.-Т.: Центр повышения квалификации юристов. 2017.-85с.

15. Исмаилов Б.И. Юристинг касбий этикаси.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2019.-82 б.

16. Исмаилов Б.И., Исмоилов Б.И. Зарубежный опыт правовой регламентации противодействия коррупции на государственной службе-Т.Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2019. -206 с.

17. Исмаилов Б.И., Современные стратегии антикоррупционных реформ//Учебное пособие.-Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ., 2019. – 200 с.

18. Исмаилов Б.И., Исмаилов Б.И. Хорижий давлатларда мансабдор шахслар активларини декларация қилиш.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси.2019.-112 б.

19. Исмаилов Б.И., Исмоилов Б.И. Этические стандарты государственной службы в Республике Узбекистан и зарубежных странах. Методическое пособие.-Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан. 2019.-247 с.

20. Қобилов Ш.Р., Камалов О.А. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши ҳулқ-атворни шакллантириш// Ўқув-услубий қўлланма.-Т.:Ўзбекистон ИИВ Академияси. 2019.-72б.

21. Маматов Х.М. Конституциявий ҳуқуқ./дарслик.-Т.: ЮМОМ. “Юрист медиа маркази”.2018.-528б.

22. Нематов Ж.Н. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институтини такомиллаштириш (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил)//Монография.-Т.:Lesson press.2018-330.

23. Очилов Ф. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги айрим хорижий давлатлар ва миллий қонун ҳужжатларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2017. №2 Б.10-13

24. Социологическое измерение коррупции: методология исследования и отношение общества к результатам исследований / Коллектив авторов. Под общей редакцией Садвокасовой А.К. – Астана: Академия государственного управления при Президенте РК, 2017. – 168 с.

25. УНП ООН // Программа антикоррупционных этических норм и обеспечения соблюдения антикоррупционных требований для деловых предприятий: Практическое руководство, 2013. – 132с.

26. УНП ООН // Рекомендуемые виды практики в области защиты свидетелей при производстве по уголовным делам, касающимся организованной преступности, 2008. – 129.

27. УНП ООН//Техническое Руководство по осуществлению конвенции организации объединенных наций против коррупции, 2010. – 280с.

28. Участие институтов гражданского общества в борьбе с коррупцией: научно-практическое пособие / Т. А. Едкова, О. А. Иванюк, Ю. А. Тихомиров и др.; отв. ред. Ю. А. Тихомиров. – М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации/ООО «ПОЛИГРАФ-ПЛЮС»; 2013. – 160 с.

## МАВЗУ № 8.

### КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ

**Маъруза режаси:**

#### **1. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари**

Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2016 й. 3 январь), “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (2014 й. 14 май), “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида” ги (2004 й. 26 август), “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (2017 й. 11 сентябрь) “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2019 й.14 январь) қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сонли қарори (2016 й. 2 март) талаблари.

#### **2. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олиш бўйича масъул органларнинг вазифалари**

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимлари, давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалалари.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишини, касб этика қоидаларини бузишни олдини олиш борасида бевосита раҳбар, Одоб-ахлоқ комиссияси, махсус таркибий бўлинмалар, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси вазифа ва ваколатлари.

#### **3. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишга қаратилган чоралар**

Давлат хизматчиларида инсонпарварлик, хушмуомалалик, хушфёъллили ва одоблили, оддийлик ва камтарлик, ҳалоллик ва ростгуйлик, инсофлили, собитқадамлик, очик кўнгиллик, сахийлик ва мурувватлили, ўзаро ҳурмат, дўстона муносабат, самийлили, сиполик, катталарни ҳурмат қилиш ва бошқа фазилатларни шакллантириш.

Раҳбарларнинг давлат хизматчилари фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ходимларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳаракатларга чек қўйиш чораларини кўриш.

### Тавсия этилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.”Ўзбекистон”2018.-356
2. “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2014 йил 14 май, ЎРҚ-371-сон //(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда)
3. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2016 йил 3 январь // «Халқ сўзи» газетаси
4. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2017 йил 2 февраль, ПҚ-2752-сон// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда
5. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 март куни 62-сонли қарори “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 94-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019й. 27 майдаги Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони
8. Глоссарий международных стандартов в области уголовного права//ОЭСР.2007.-С.67
9. Многоликая коррупция: Выявление уязвимых мест на уровне секторов экономики и государственного управления / Под ред. Э. Кампоса и С. Прадхана; Пер. с англ. — М.: Альпина Паблишерз, 2010. — 551 с.
10. Джеймс Х. Андерсон Шерил В. Грэй Борьба с коррупцией в переходный период 3: Кто добивается успехов и почему? // The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. 2006. С.34
11. Основные концепции антикоррупционной деятельности//Учебное пособие. Отдел сотрудничества по экономической преступности. Департамент борьбы с преступностью. Генеральный директорат по правам человека и верховенству права Совета Европы 2-е издание ноябрь 2014 года. С.56
12. Professionalism and integrity in the public service //The Centre for Integrity in the Defence Sector (CIDS) was established by the Norwegian Ministry of Defence in 2012.

## АСОСИЙ МАВЗУЛАР АННОТАЦИЯСИ

### МАВЗУ № 1.

#### КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Коррупцияни белгиловчи омиллар ва унинг келиб чиқиш сабаблари
2. Коррупцияга қарши кураш борасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари
3. Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тизими ривожланиши

#### 1. Коррупцияни белгиловчи омиллар ва унинг келиб чиқиш сабаблари

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб коррупция халқаро муаммога айланди. Айниқса, глобаллашув жараёнлари натижасида бир мамлакатдаги коррупция бошқа мамлакатлар ривожланишига салбий таъсир кўрсата бошлади.

БМТнинг халқаро миқёсда коррупцияга қарши кураш бўйича Маълумотида шундай дейилган: **“Коррупция – бу шахсий мақсадларда наф кўриш учун давлат ҳокимиятини сунистеъмол қилиш”**.

Коррупция тушунчасига берилган шунга ўхшаш таърифга Жаҳон банкининг ҳозирги дунёда давлатнинг ролига бағишланган ҳисоботида ҳам дуч келиш мумкин: **“Коррупция – бу шахсий наф кўриш йўлида давлат ҳокимиятини сунистеъмол қилиш”**.

**«Коррупция» атамаси лотинча «corruptio» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «бузиш», «сотиб олиш» деган маъноларни англатади. Ушбу икки сўз коррупциянинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.**

Коррупциянинг ўта авж олишига қуйидаги хавфли ижтимоий ҳодислар ҳам сабаб бўлмоқда. Ўтган асрнинг охирлари ва XXI асрга келиб моддиётга берилиш, нафсни кондириш, буюмпарастилик каби иллатларнинг сингдирилиши иқтисодий жараёнларни жадаллаштирди. «Барча нарса сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган товарга айлантирилади» деган тушунча инсонлар руҳиятига сингдирила бошланди. Товар (буюм)га сиғиниш кучайди. Глобаллашувнинг хусусияти маданиятларнинг «дурагайлашуви»га олиб келди. Фикр ва буюмларнинг, инсон танаси ва руҳиятининг, табиат ва маданиятнинг товарга айлантирилиши бугунги куннинг асосий хусусияти бўлиб қолмоқда.

**Коррупциявий жинойтларнинг содир этилишига шароит яратувчи омиллардан бири сифатида бу иллат устидан ташкилий-бошқарув ва ижтимоий назорат етарли эмаслиги кўрсатилиб, уларга:**

**режалаштиришдаги камчиликлар, шартнома талабларини иштирокчилар томонидан бузилиши, хизмат фаолиятини ташкил этишдаги нуқсонлар (мажбуриятларни тақсимлаш, ваколатни белгилаш, иш хажмининг кўплиги ва ҳ.к.);**

**кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги камчиликлар (билимсиз ва тажрибаси йўқ ёки ишончсиз шахсларни қариндош уруғчилик, таниш-билишчилик асосида ишга қабул қилиш ва шунга ўхшаш ҳолатлар);**

**ҳисоб-китоб ва назоратнинг сустлиги;**

**ҳўжасизлик ва ортиқча сарф-харажатга йўл қўйиб бериш (энергия манбаларидан, моддий ва одам ресурсларидан тежамкорликсиз фойдаланиш), тарбиявий ишлардаги нуқсонлар;**

**ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятидаги мансабдор шахслар, хизматчиларнинг фойдаси ва сарф-харажатлари ва улар томонидан хизмат вазифаларини бажариши устидан назоратни йўқлиги, шунингдек, коррупциявий ҳолатларга эътиборсизликларни келтириб ўтса бўлади.**

Кўпгина давлатларда коррупциявий жинойтларни ошиб кетишига сабаб, давлат органлари мансабдор шахслари ва хизматчиларининг салбий жиҳатларига эътибор қаратмаслик, уларнинг сонини жуда ошиб кетишига олиб келмоқда. Бундай жиҳатларга

масалан, кўролмаслик, ғаразгўйлик, карьеризм, моддий фойда олиш йўлида қонун ва манавий талаблар ҳамда касб обрўсини қурбон қилишга тайёрлик каби бир қатор негатив ҳолатлар киради. Мансабдор шахс ва давлат хизматчилари хулқ-атворида бундай салбий жиҳатларни илдиз отишига, у ишлаётган жамоадаги носоғлом муҳит катта таъсир ўтказди. Хусусан, хизматчилар томонидан олдиндан хизматдан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб келганлиги, уларнинг ичида криминал фаолият орқасидан бойиб, ўз моддий томонини жуда яхшилаб олган ходимларнинг мавжудлиги, ходимлар ўртасида бойлик даражасига қараб манфаатлар ўрнатилганлиги каби салбий ҳолатлар.

**Коррупциянинг миқёси ва қамровини белгиловчи антропологик иқтисодий ижтимоий ҳуқуқий ахлоқий сиёсий омилларни келтириш мумкин.** Олиб борилган илмий изланишларга қараганда, коррупция ривожланган жамиятларда унинг қуйидаги турлари тез-тез учрайди:

– *Маиший коррупция, асосан мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг қундалик иш фаолиятида фуқаролар билан муносабатларида манфаатлар тўқнашади;*

– *Ишбилармонлик коррупцияси, бу ҳокимият вакилларининг тадбиркорлик субъект (бизнесмен)лари билан муносабатларида учрайди;*

– *Олий ҳокимият органлари коррупцияси, бу демократик жамиятларда сиёсий ҳукмрон доиралар ҳамда одил судлов тизими фаолиятида кўзга ташланади.*

Президент томонидан илгари сурилган илк қонун ташаббуси, бу – **“Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунидир.** Демакки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг халқимиз ҳаётида қанчалик ақс этиши кўп жиҳатдан коррупцияга қарши курашиш билан узвий боғлиқлигини англаш қийин эмас. “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, **Ҳаракатлар стратегиясининг 2.4.-бандида “Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш”** масаласи белгиланган, Электрон ҳукумат, Президент портали, Халқ қабулхоналари, Давлат хизматлари агентлиги орқали кенг йўлга қуйилаётгани, Бош вазирнинг тадбиркорлар қабулхоналари ташкил этилишининг тағ замирида ҳам айнан шу мақсад мужассам десак, муболаға бўлмайди.

Халқаро миқёсда олиб қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилган. Юртимизда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси фаолият юритади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти коррупцияга қарши курашиш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Хусусан, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлигида коррупцияга қарши курашувчи алоҳида тузилмалар ташкил этилган.

## **2. Коррупцияга қарши кураш борасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича чоралар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, кодекслари ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топган.

Сўнгги йилларда, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Аммо, шуни ҳам тушуниб етдикки, коррупцияга қарши курашнинг тизимли ёндашувини яратмасак, давлат ва жамиятнинг самарали коррупцияга қарши кураши мунтазам равишда ва барча йўналишларда амалга оширилмаса, қилинаётган ишлар ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча, коррупцияга қарши курашишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни қуйидаги стратегик йўналишлари бўйича ишларни давом эттиришимиз лозим:

**I. Давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари ва вазифаларини тубдан такомиллаштириш.**

**II. Тадбиркорликнинг ривожланиши учун ҳуқуқий чекловларни ва ташкилий тўсиқларни олиб ташлаш.**

**III. Давлат хизматларини тақдим этиш ва маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш.**

**IV. Маъмурий ислохотларни амалга ошириш, давлат органларининг вазифаларини оптималлаштириш, давлатга тегишли бўлмаган функцияларни хусусий секторга ўтказиш.**

**V. Коррупцияга қарши кураш соҳасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мақсадлари, вазифалари ва функцияларини оптималлаштириш.**

**VI. Давлат органлари, жамоат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида алоқа каналларини йўлга қўйиш.**

**VII. Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, юқори ахлоқий меъёрларни шакллантириш.**

**I. Давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари ва вазифаларини тубдан такомиллаштириш** мақсадида давлат хизматини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари турли қонун ҳужжатлари билан таъминланмоқда бу борадаги муносабатлар Мехнат кодекси, Прокуратура, Давлат божхона хизмати, Давлат солиқ хизмати, ИИБ, Давлат хавсизлик хизмати, Судлар тўғрисидаги ва бир қатор бошқа қонунлар билан тартибга солинмоқда. Ушбу қонунларда давлат хизматига қабул қилиш, хизматни ўташ, хизматдаги чеклов, таҳқиқлар ўрнатилган. Тизимни ривожлантириш мақсадида Маъмурий ислохотлар концепцияси қабул қилинган. Давлат хизматчиларининг иш ҳақи Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланган.

Ҳозирги кунда **Ҳукумат комплекслари таркибига 160 дан ортиқ идора ва ташкилотлар киради, Бош вазирнинг соҳа ва тармоқлар бўйича 8 нафар ўринбосари мавжуд.**

Қонунларда давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятида қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойилик, давлат ва жамият манфаатларига содиқлик, адолатлилик, ҳалоллик ва ҳолислик принципларига амал қилиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги белгиланган. Бу “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари”да ўз аксини топган.

Шу билан бирга, давлат хизматчиси хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш, ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик каби принципларга амал қилишга мажбур.

Ўзбекистонда ҳуқуқий ва институционал асосларни такомиллаштириш ва давлат хизматларини тартибга солиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Соҳани тубдан тартибга солиш мақсадида “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси тайёрланган.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2019й. 27 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-5729-сон Фармони** билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастурига мувофиқ, давлат органлари ходимларига ахлоқ қоидалари, тренинглари, семинарлар ва давра суҳбатлари орқали тушунтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида 2019 й. 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги **ПФ 5843-сон фармони** имзоланди.

Унда белгиланидек:

давлат хизматчиси ўз фаолиятини давлат хизматчилари лавозимлари реестрига киритилган лавозимларда амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаросидир;

чет давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси президентининг алоҳида қарорларида белгиланган тартибда давлат хизматчилари лавозимларини эгаллашлари мумкин;

давлат хизматчилари лавозимлари реестрига киритилган лавозимларни эгаллаб турган давлат хизматчиларининг фаолияти давлат хизматида оид қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади;

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида хизмат қилиш давлат махсус хизмати бўлиб, алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.**

### ***II. Тадбиркорликнинг ривожланиши учун ҳуқуқий чекловларни ва ташкилий тўсиқларни олиб ташлаш.***

Тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш ва улар фаолиятига мансабдор шахслар томонидан ноқонуний аралашини ҳолатларига чек қўйишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4848-сон Фармони муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу Фармон энг аввало хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга йўналтирилган ва ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатдан янги даражага ўтишидан далолат беради.

Тадбиркорликнинг ривожланиши учун ҳуқуқий чекловларни ва ташкилий тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида **2016 йил 29 декабрда Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.** Қонун талабларини бажариш мақсадида “**Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПҚ-3697), “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПФ-5409) ва бир қатор бошқа фармонлар, “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПҚ-750) қарор қабул қилинган.**

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча туртки бериш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий қамров даражасини ошириш мақсадида **2019й. 13.08да Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ–5780-сон Фармони қабул қилинди.**

***III. Давлат хизматларини тақдим этиш ва маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солишининг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш.*** Давлат органларида ахборот-коммуникация ресурслари ва маълумотлар базаларининг йўқлиги давлат

хизматларини кўрсатишда қийинчиликлар яратади ва бу албатта коррупция ва бюрократия омилларини пайдо бўлишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида кўра, Давлат хизматлари марказлари орқали аҳолига юқори сифатда, тезкор, қулай имкониятда хизмат кўрсатилиши белгиланди. Шунингдек, мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларга йўл қўймаслик, идоралараро ҳамкорликни, энг аввало, давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжат ва ахборотларни тезкорлик билан олишни таъминловчи электрон ҳамкорликни амалга ошириш белгилаб берилди.

Давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларга малакали ахборот ва маслаҳат ёрдамлари ҳам кўрсатилади. Фармонга кўра, ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилиши таъминланади.

*IV. Маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, давлат органларининг вазифаларини оптималлаштириш, давлатга тегишли бўлмаган функцияларни хусусий секторга ўтказиш* мақсадида Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш стратегияси давлат ва жамият қурилиш соҳасида **17 та қонунни** ишлаб чиқиш ва қабул қилишни назарда тутди. Давлат дастури доирасида маъмурий ислоҳотларнинг концепцияси ва уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури, “Маъмурий тартиб-тамоиллар тўғрисида”ги, Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (ПФ-5185), “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПФ-5278) Фармонлари ва бир қатор бошқа норматив актлар қабул қилинди.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, Давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этиш долзарб вазифадир.

Қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг замонавий талабларга жавоб берадиган институционал асослари ва улар фаолиятининг принципларини жорий қилишда муҳим ҳужжатдир. Ушбу Концепциянинг пировард натижаси “Инсон ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун” ва “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғояларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборат.

*V. Коррупцияга қарши кураш соҳасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мақсадлари, вазифалари ва функцияларини оптималлаштириш* мақсадида “Коррупцияга қарши курашиш, “Судьялар Олий кенгаши тўғрисида”, “Ички ишлар вазирлиги”, “Давлат хавфсизлиги хизмати” тўғрисидаги ва бир қатор бошқа қонунлар қабул қилинди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди, суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди, маъмурий судлар ташкил этилди, шунингдек, судьялик лавозимига муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартиби жорий этилди.

Одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ **2018 йил 13 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПФ-5482) Фармони қабул қилинди.**

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида **2019й. 6 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-4096 қарори қабул қилинди.**

*VI. Давлат органлари, жамоат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида алоқа каналларини йўлга қўйиш* мақсадида Парламент назорати, Жамоатчилик назорати, Савдо саноат палатаси тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган.

Давлат органлари, жамоат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида алоқа каналларини йўлга қўйиш тўғрисида гапирганда, **2018 йил 4 майда давлатимиз раҳбарининг “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди**

Албатта, фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий маконни янада кенгайтириш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалар моҳиятидан келиб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда ва бугунги давр талаблари асосида янги қонунлар қабул қилинмоқда. Авваламбор, **2018 йил 12 апрелда қабул қилинган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун тўғрисида** гапирилганда, ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлигини кўрамыз. Қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган ННТ, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари этиб белгиланган.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, давлат ва жамият ўртасида сифатли мулоқотни йўлга қўйиш, аҳолига ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, ҳолис ва тўлиқ ахборот етказиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти шаффофлигини ошириш, шунингдек, уларнинг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ва ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш мақсадида **2019 йил 27 июнда “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4366-сон қарори қабул қилинди.**

*VII. Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, юқори ахлоқий меъёрларни шакллантириш* мақсадида бир қатор норматив актлар қабул қилинган. Мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5139-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, кўп хонадонли уй-жой фондидан

фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда «коммунхизмат» агентлиги тўғрисида»ги низомларни тасдиқлаш ҳақида 2017 йил 2 июнь 340-сон қарори) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон қарори), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3919-сон қарори), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги «Давлат солиқ хизмати органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 704-сон қарори), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.11.2018 йил ПҚ-3995-сон “Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5438-сон Фармони), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сон қарори) ва бир қатор бошқаларни келтириш мумкин.

**Кўрганимиздек давлатимизда коррупцияга қарши кураш қуйидаги давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини ўз ичига олади:**

**коррупциянинг олдини олиш, жумладан коррупциянинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш;**

**коррупция жиноятларини аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш, очиш ва тергов қилиш;**

**коррупция жиноятларининг оқибатларини камайтириш ва (ёки) бартараф этиш.**

**Коррупцияга қарши курашнинг ташкилий асосларини қуйидагилар ташкил этади:**

Коррупцияга қарши кураш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади. Президент, ўзи фаолиятини бошқарадиган ижро этувчи ҳокимият ваколатларини белгилайди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунлар ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши, шунингдек ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини ўз ваколатлари доирасида назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан таъминланади.

Ҳукумат коррупцияга қарши курашда фаолият юритадиган ижро этувчи органлар орасидаги вазифаларни тақсимлайди.

### **3. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими ривожланиши**

Мамлакатда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, унинг ҳуқуқий асослари, ташкилий тузилмаси ва амалга ошириш стратегияси белгиланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилиши ислохотларнинг дастлабки муҳим қадами бўлиб, уни амалга оширишнинг миллий механизми сифатида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги қонун, Президентнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2752-сон қарори қабул қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ **2019й. 27 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-**

**5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилинди.**

Замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 май куни ПҚ-3723-сон қарори** қабул қилинди у билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси тасдиқланди.

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

- 1. Коррупция ибораси қайси норматив актларда белгиланган ?**
- 2. Коррупциявий жиноятлар объекти нима ва субъекти кимлар ҳисобланади ?**
- 3. Қоррупцион жиноятлар содир этилишининг асосий сабаблари қандай ?**
- 4. Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш давлат сиёсати қандай ҳуқуқий актлар билан тартибга солинади ?**
- 5. Коррупциявий жиноятлар тоифасига қайси қилмишларни киритиш мумкин ?**

#### **МАВЗУ № 2.**

#### **“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ**

**1. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий асослар шаклланиши**

**2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг мазмуни ва моҳияти**

**3. Коррупцияга қарши кураш борасида қонунчиликни ривожлантириш масалалари**

#### **1. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий асослар шаклланиши**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш борасида бир қатор қонунчилик актлари қабул қилинган. Булар ичида Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда бир қатор қонунлар ва қонуности актларни келтириш мумкин.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида **2004 йил 26 августда Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида» ги Қонуни** қабул қилинган.

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида **2012 йил 24 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни** қабул қилинган.

Жиноятчиликнинг барча шакллари айниқса коррупцион жиноятларни олдини олишда жиноятчилик профилактикаси алоҳида ўрин эгаллайди.

Шундан келиб чиқиб **2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни** қабул қилинди.

Қонуннинг 9-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими белгиланган.

Коррупцияга қарши аниқ тадбирлар, давлат бошқарувни такомиллаштириш, самарадор механизм яратиш ва масъул идоралар вазифалари белгиланган. Ушбу ҳужжат талабларидан келиб чиқиб **2016 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 62-сонли қарори** қабул қилинди.

Ҳужжатда белгиланганидек давлат хизматчилари хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиши; ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш; ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик; ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш; норматив-ҳуқуқӣ ҳужжат ва идоравӣ ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажаришлари мажбур.

Давлат хизматчилари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

## **2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг мазмуни ва моҳияти**

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида **2017 йил 3 январь куни Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.** Қонуннинг 3-моддасида асосий тушунчалар қўлланилади:

**коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Қонуннинг 5-моддасига биноан Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатлиги белгиланган:

**аҳолининг ҳуқуқӣ онги ва ҳуқуқӣ маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;**

**давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;**

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.**

Қонуннинг 7-моддасига биноан Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;**

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

Қонуннинг 8-моддасига биноан коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

**Қонуннинг 3-боби коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалаларига қаратилган.**

**Қонуннинг 4-боби коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар масалаларига қаратилган.**

**Қонуннинг 5-боби коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш масалаларига қаратилган.**

Қонуннинг ушбу нормасини амалга ошириш мақсадида **2017 йил 8 январда Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида”** низомни тасдиқлаш ҳақида **15-сон қарори** қабул қилинди.

Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори** ижросини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг ролини янада кучайтириш мақсадида қабул қилинди.

**Қонуннинг 6-бобида Коррупция соҳасидаги тадқиқотлар** масалаларига қаратилган. (30-модда). Унга асосан коррупциянинг ҳолатини, хусусиятини, миқёсларини, ўзгаришларини ва тенденцияларини, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиш самарадорлигини ўрганиш давлат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек фуқаролар билан ҳамкорликда социологик, махсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ўтказиш йўли билан доимий асосда амалга оширилади.

2019й. 27 майда **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони** билан **2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури** тасдиқланди.

**3. Коррупцияга қарши кураш борасида қонунчиликни ривожлантириш масалалари**

**«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (3.01.2017й.)** қоидаларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг

барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида **2017 йил 2 февраль куни «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2752-сон Қарори қабул қилинди.**

Ушбу қарор билан **2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури** тасдиқланди. Дастурга асосан **Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш мақсадида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши** муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган эди.

2019й. 27 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони билан **2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури** тасдиқланди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони** билан тасдиқланди.

**Стратегиянинг 2.4. банди бевосита Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш масалаларига қаратилган. Ушбу бандга асосан:**

жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;

**коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш;**

аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш давлатимизда амалга ошириш зарур бўлган йўналиш ҳисобланади.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида **2017 йил 8 сентябрь “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5185-сонли Фармони қабул қилинди.** Унда Давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш, коррупциянинг юзага келиш хавфи ва мансаб суиистеъмолчилигини камайтириш имконини берадиган давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини яратиш, **ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортикча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш вазифалари белгиланган.**

Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида **2017 йил 7 сентябрда “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.**

Давлат органлари ва давлат муассасаларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш мақсадида **2017 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”**

**Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.** Қонуннинг алоҳида боби Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳуқуқий мақомини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг ролини янада кучайтириш мақсадида **2018 й. 8 январь** куни Вазирлар Маҳкамаси томонидан «**Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида** низомни тасдиқлаш ҳақида **15-сон Қарори қабул қилинади.**

Маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида **2018 йил 8 январда Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.** Қонуннинг асосий вазифалари маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир.

Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади.

**2019 йил 14 январь куни Ўзбекистон Республикаси “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунини қабул қилинди.**

Қонунда ҳимоя қилинувчи шахслар рўйхати назарда тутилмоқда, уларнинг ҳимоясини таъминловчи давлат органлари доиралари белгиланди.

Жамиятда коррупциявий жиноятларни олдини олиш иши аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизими самарадорлиги билан боғлиқ шундан келиб чиқиб **Ўзбекистон 2019 йил 9 январда Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-5618-сон Фармони қабул қилинган.**

Коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида **2019 йил 10 майда «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.**

2019й. 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-58432-сон Фармони қабул қилинди.

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

- 1. Коррупцияга қарши қонун қабул қилиниши қайси халқаро ҳужжат асосида амалга оширилган ?**
- 2. Коррупцияга қарши қонун қабул қилиш ким томонидан ва нимага асосан амалга оширилган ?**
- 3. Коррупцияга қарши қонун бўйича қайси идоралар ваколатли орган сифатида белгиланган ?**
- 4. Коррупцияга қарши қонунда қандай ҳуқуқий институтлар мустаҳкамланган ?**
- 5. Коррупцияга қарши кураш борасида вазифаларни амалга оширишда қайси давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари жалб этилиши мумкин ?**

#### **МАВЗУ №3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

- 1. Коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро ҳуқуқий асослари шаклланиши**
- 2. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси мазмуни ва моҳияти**
- 3. Коррупцияга қарши курашишнинг минтақавий халқаро ҳуқуқий асослари**
- 4. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари**

### **1. Коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро-ҳуқуқий асослари шаклланиши ҳуқуқий асослари шаклланиши**

Коррупцияга қарши курашга ўз фаолиятида алоҳида эътибор бериб келаётган қуйидаги халқаро ташкилотларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти (ОЭСР) ва бир қатор бошқа халқаро ташкилотлар.

Коррупцияга қарши курашда халқаро миқёсда қабул қилинган ва давлат хизмати сифатини кўтариш ва давлат хизматчиларининг фуқаролар олдидаги масъулиятини ошириш ва ахлоқий маданиятини ривожлантиришга қаратилган халқаро ҳужжатларга қўшилиш, уларга амал қилиш ҳар қандай давлат учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда БМТ даражасида қабул қилинган юқори даража мазмундаги бир қатор ҳужжатлар мавжуд.

БМТнинг коррупциянинг мамлакатлар миллий тараққиёти ва барқарорлигига жиддий хавф солиши мумкинлигини ҳисобга олиб, унинг нафақат миллий, балки халқаро ҳамжамиятни тобора хавотирга солиб бораётган халқаро иллат деб эъгироф этувчи қатор ҳужжатларни қабул қилган. БМТ доирасида Глобал коррупцияга қарши кураш дастури эълон қилинган. Ушбу дастур миллий коррупцияга қарши кураш дастурларини амалга оширишга ёрдам бериш ва мамлакатларда коррупция таваккалчилигини тугатиш, давлат хизматчиларида сотилмаслик психологиясини шакллантириш, қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган. Дастурда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар сотиб олишда ва халқаро иқтисодий битимларда очиклик ва ҳисобдорлик бўлишига катта эътибор берилган.

**БМТнинг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари:**

**1) “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодекси” (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган);**

**2) Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган);**

**3) Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодекси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган);**

**4) БМТнинг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларацияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабрда тасдиқланган);**

**5) Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган);**

**6) БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган);**

**7) БМТ Форумининг офшорлар бўйича Коммюникеси (Кайман ороллари, 2000 йил 30-31 март);**

**8) Коррупцияга қарши кураш чоралари. Пулни тозалашга қарши кураш чоралари. Жиноятчилик ва одил судлов: XXI аср чорловига жавоблар тўғрисидаги Вена декларациясини амалга ошириш ҳаракат Режаси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2002 йил 15 апрелда қабул қилинган)**

9) БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган).

## 2. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенция мазмуни ва моҳияти

Коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат бу - шубҳасиз, 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатни ратификация қилган: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддadan иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари, 8-бобда (65-71) яқуний қоидалар акс этган.

Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга бир нечта билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшилган.

Жумладан, Қонуннинг 1-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенция 6-моддасининг 3-банди бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб-чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи – давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланганлиги билдирилган.

Бу қоида Конвенциянинг 6-моддаси 3-бандидаги ҳар бир иштирокчи Давлат БМТнинг Бош котибига коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқа иштирокчи Давлатларга ёрдам бериши мумкин бўлган орган ёки органларнинг номи ва манзилини хабар қилади, деган талабларига тўла жавоб беради.

Қонуннинг 2-бандига кўра, Конвенция 42-моддасининг 1 ва 3-бандлари бўйича 15-19, 21, 22-моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24, 25, 27-моддаларда назарда тутилган қилмишлар миллий қонунчиликка мувофиқ жинoий жазоланадиган қилмиш эканлиги ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилишлиги баён этилган.

Конвенциянинг 15-моддаси “Миллий оммавий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш”; 16-моддаси “Хорижий оммавий мансабдор шахсларни ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларини пора эвазига оғдириш”; 17-моддаси “Оммавий мансабдор шахс томонидан мол-мулк талон-торож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши”; 18-моддаси “Ғаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш”; 19-моддаси “Хизмат мавқеининг сунистеъмол қилиниши”; 21-модда “Хусусий секторда пора эвазига оғдириш”; 22-моддаси “Хусусий секторда мулкнинг талон-торож қилиниши”; 23-моддаси 1-банди “Жинoий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш”; 24-моддаси “Яшириш”; 25-моддаси “Одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш”; 27-моддаси “Иштирок ва суиқасд” деб номланган.

## 3. Коррупцияга қарши курашишнинг минтақавий халқаро ҳуқуқий асослари

Коррупцияга қарши курашда минтақавий механизмларнинг ўрни катта. Европа иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти, Европа Кенгаши Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида коррупцияга қарши

курашга қаратилган бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилиниб, уларни ижросини назорат қилиш бўйича бўлимлар ташкил қилинган.

**Коррупцияга қарши курашнинг Европа Иттифоқи дорасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ҳужжатлар тизими.**

**Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари :**

1) **Европа Кенгашининг коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь);**

2) **Европа Кенгашининг коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 9 сентябрь);**

3) **Европа Кенгашининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни тозалаш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1990 йил 8 ноябрь);**

4) **Коррупцияга қарши курашнинг йигирмата принципи (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 1997 йил 6 ноябрь);**

5) **Давлат хизматчилари учун Модель хулқ-атвор кодекси (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2000 йил 11 май);**

6) **Сиёсий партияларни ва сайлов кампаниясини молиялаштиришда коррупцияга қарши ягона қоидалар (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2003 йил 8 апрель);**

7) **Молиявий тизимдан пулни тозалаш мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги ЕИИ Директиваси (1991 йил 10 июнь);**

8) **Пулни легаллаштиришга қарши Париж декларацияси (Европа Иттифоқининг пулни тозалашга қарши парламентар конференциясининг Якуний декларацияси 2002 йил 8 февраль).**

**Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти дорасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ҳужжатлар тизими.**

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар турли халқаро ташклотлар томонидан қабул қилинади. Жумладан, БМТ, Европа Кенгаши, **Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти (ИХРТ)** ва бошқалар. Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) доирасида ҳозиргача коррупция масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Европа Иттифоқи нуқтаи назаридан, БСТ доирасида коррупцияга қарши курашиш нисбатан самарали бўлади. Шунинг учун Европа иттифоқи аъзо давлатлари Европа иттифоқининг коррупцияга қарши курашдаги ваколатларини БСТ га ўтказишни қўллаб-қувватлашади. Бундан кўриниб турибдики, БСТ ва Европа Иттифоқи ўртасида коррупцияга қарши курашдаги ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилган. Ҳозирда БСТ тизимида кўпроқ ривожланаётган давлатлар коррупцияга қарши курашда фаол иштирок қилишмоқда.

**ИХРТ** доирасида 1997 йилда коррупцияга қарши кураш бўйича алоҳида ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Гап **“Хорижий давлат мансабдор шахсларига пора беришга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенция** ҳақида кетмоқда. Корвенция ўз ичига порахўрлик, пора берувчиларни излаб топиш, бундай ҳаракатларга қарши курашиш каби масалаларни олган. У пасива порахўрликни тартибга солмайди.

Европа Кенгашининг коррупцияга қарши сиёсатини амалга оширишда иккита конвенция алоҳида ўрин тутади: **Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция ва Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция**. Иккала конвенция ҳам 1999 йил қабул қилинган. Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция **1999 йил 27 январда**, унга қўшимача протокол 1999 йил 15 май қабул қилинди. Бу конвенция ОЭСР конвенциясидан фарқ қилган ҳолда, хорижий мансабдор шахсларнинг пасив порахўрлиги учун жиноий таъқиб қилиш, хусусий сектордада ҳам порахўрликка қарши курашиши масалаларини ҳам ўз ичига олган.

**Коррупцияга қарши курашда давлатлар гуруҳлари (ГРЕКО)** коррупцияга қарши курашувчи Европа Кенгаши тизими сифатида 1998 йил ташкил қилинган. Австрия ва

Италиядан ташқари барча Европа Иттифоқи давлатлари ГРЕКО фаолиятида иштирок этади. ГРЕКОнинг вазифаларига Европа Кенгашининг иккита конвенциясини давлатлар томонидан бажарилишини назорат қилиш, коррупцияга қарши кураш бўйича Европа Кенгашининг 20 та принципига риоя қилинишини кузатиб бориш киради. ГРЕКО аъзо давлатлари вакиллари бир неча йиғилиб, ГРЕКО доирасида амалга ошириладиган ишларни муҳокама қилиб, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўриб келмоқдалар.

Европа Иттифоқи ва Европа Кенгаши ўртасида коррупцияга қарши кураш бўйича техник ҳамкорлик мавжуд. Европа иттифоқи иқтисодий жинойтлар билан қарши кураш бўйича қўшма лойиҳаларини молиялаш учун йирик маблағлар ажратиб келади. 1996 йил Европа комиссияси ва Европа кенгаши ОКТОПЕС (ОСТОРУС) қўшма лойиҳасини бошлашди, унинг мақсади Шарқий Европа давлатларида коррупцияга қарши кураш ҳисобланади. Европа Кенгаши ҳозирги вақтда йиллий конференциялар шаклида ўз лойиҳаларини давом қилдирмоқда. Шунингдек, Россия, Украина, жанубий Кавказда қўшма лойиҳаларни молиялаштирди.

**Коррупцияга қарши кураш Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида** ҳам олиб борилади.

2001 йил 14-15 июнь кунлари Шанхайда олтинчи давлат – Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарлари учрашувида **“Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисида”** ги Декларация имзоланган пайтдан эътиборан ушбу ташкилот расман «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» деб атала бошланди ва Ўзбекистон муассис давлатлардан бири ҳамда тенг ҳуқуқли аъзо сифатида унга қўшилди. Ташкилот тузилганидан кейинги дастлабки кунлардан бошлабқ дунёдаги нуфузли давлатларнинг унга қизиқиши юқори бўлди. Бу эса, халқаро муносабатларда янги, нуфузли минтақавий ташкилот юзага келганлигининг далолати бўлди.

Шанхай саммити чоғида, бугунги кунда нафақат минтақамизни, балки бутун ер юзини ташвишга солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, сепаратизм, наркотрафик, ноқонуний қурол-яроғ савдоси каби таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун юқори самарадор механизмлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш ташкилот фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгилаб олинди. Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги савдо, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий, табиат муҳофазаси каби кўплаб соҳалардаги муносабатларни, алоқаларни ривожлантириш масалалари ҳам эътибордан четда қолмади.

## **§ 2.2. БМТнинг коррупцияга қарши Конвенцияси қабул қилиниши**

Коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат бу - шубҳасиз, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатни ратификация қилган: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жинойтчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари, 8-бобда (65-71) якуний қоидалар акс этган.

Фикримизча, бир неча халқаро ҳужжатлар замирида юзага келган ва унинг стандартларига жавоб бера оладиган Конвенциянинг моддалари юзасидан бундай келишмовчиликлар юзага келиши эҳтимолдан узоқ ва ҳар бир мамлакат Конвенция талабларини унга қўшилиши олдидан кўп марталиб ўрганиб чиққан ва мазмун ҳамда талабларидан тўла хабардор бўлган бўлади.

Ўзбекистон ўзини ушбу қоида билан боғлиқ эмас деб ҳисоблашининг ҳам ҳуқуқий асоси мавжуд. Сабаби, Конвенциянинг айнан шу моддаси 3-бандида ҳар қандай иштирокчи давлат унинг 2-бандини ўзига тааллуқли ёки аксинчалиги ҳақида билдиришни баён этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳуқуқий мустаҳкамланган. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш шакллари жуда ранг-баранг бўлгани боис, турли мезонларга кўра коррупциянинг ҳар хил турлари фарқланади.

### **2.3. Коррупцияга қарши курашишнинг минтақавий халқаро ҳуқуқий асослари шаклланиши**

Коррупцияга қарши курашда минтақавий механизмларнинг ўрни катта. Европа иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти, Европа Кенгаши Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида коррупцияга қарши курашга қаратилган бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилиниб, уларни ижросини назорат қилиш бўйича бўлимлар ташкил қилинган.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар турли халқароташкилотлар томонидан қабул қилинади. Жумладан, БМТ, Европа Кенгаши, **Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти (ОЭСР)** ва бошқалар. Бутунжаҳон савдо ташкилоти (ВТО) доирасида ҳозиргача коррупция масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Европа Иттифоқи нуқтаи назаридан, ВТО доирасида коррупцияга қарши курашиш нисбатан самарали бўлади. Шунинг учун Европа иттифоқи аъзо давлатлари Европа иттифоқининг коррупцияга қарши курашдаги ваколатларини ВТОга ўтказишни қўллаб-қувватлашади. Бундан кўриниб турибдики, ВТО ва Европа иттифоқи ўртасида коррупцияга қарши курашдаги ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилган. Ҳозирда ВТО системасида кўпроқ ривожланаётган давлатлар коррупцияга қарши курашда фаол иштирок қилишмоқда.

**БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича ваколатхонаси (UNODC)**

**БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (UNCAC)**

**Европа Иттифоқи (ЕИ)**

**Коррупцияга қарши минтақавий ва халқаро ташаббуслар**

Халқаро ташкилотлар коррупцияга қарши курашда қонуний кучга ега бўлмаган қарорлар, декларациялар, кодекслар ва кўрсатмалар орқали ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бир қатор ҳукуматлараро ташаббуслар мавжуд бўлиб, улар "юмшоқ қонун" деб номланган сиёсатни, энг яхши амалиёт ва кўрсатмаларни ишлаб чиқишга қаратилган. Қуйида ЕХХТ минтақаси билан боғлиқ муҳим ташаббуслар келтирилган.

**Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)**

**Коррупцияга қарши минтақавий ташаббуслар**

ИХРТ турли хил минтақавий коррупцияга қарши ташаббусларни, шу жумладан Шарқий Европа ва Марказий Осиё учун Коррупцияга қарши Тармоқни, Осиё Тараққиёт Банкининг Осиё ва Тинч океани ва Яқин Шарқ учун коррупцияга қарши ташаббуси Шарқий ва Шимолий Африка ИХРТ.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

- 1. Коррупцияга қарши халқаро андозалар қачон ва қандай тартибда қабул қилинган ?**
- 2. Коррупцияга қарши кураш борасидаги халқаро андозаларни қандай тойифаларга бўлиш мумкин ?**
- 3. Коррупцияга қарши кураш борасидаги халқаро андозалар миллий қонунчилик тизими учун қандай аҳамиятга эга ?**
- 4. Коррупцияга қарши халқаро андозалар қайси халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган ?**
- 5. Коррупцияга қарши халқаро андозаларни миллий ҳуқуқий тизимга сингдириш қандай номланади ?**

**Мавзу №4.**  
**ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ**  
**КУРАШ МАСАЛАЛАРИ**

- 1. Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати тизимининг ҳуқуқий асослари**
- 2. Давлат хизматини ўташ муносабати билан қонун даражасида белгиланган мансаб бўйича чеклашлар давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомининг муҳим таркибий қисми сифатида**
- 3. Коррупцияга қарши кураш – давлат хизматини ислоҳ этишнинг зарур шarti**
- 4. Алоҳида соҳаларда давлат хизматини тартибга солишнинг хусусиятлари**

**I. Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати тизимининг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида давлат хизматчиларига тааллуқли меҳнат муносабатлари қандай тартибга солинган. Бу саволнинг жавоби ягона ҳужжатда эмас, балки турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд. Баъзида эса улардан қайси бири умумий ва қайси бири махсус қоида эканини билиш қийин. Шунингдек, қонунчилигимизда айрим тоифалардаги меҳнат муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари белгиланишининг асослари нималардан иборат эканини, яъни давлат хизматининг турли соҳаларида ҳар хил қоидалар белгиланишининг сабаби нимадан иборат эканини тушунтириш қийин. Кўпчилик ҳолларда, қонунчилигимиздаги бундай хилма-хилликни давлат хизмати тўғрисидаги ягона, тизимлаштирилган қонуннинг мавжуд эмаслиги билан тушунтиришга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати тизимининг ҳуқуқий асослари:

**1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;**

**Конституциянинг 2-моддасига биноан:** “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”.

Конституциянинг 7-моддасига биноан: “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

**Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади”.**

Конституциянинг 10-моддасига биноан: “Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас”.

Конституциянинг 11-моддасига биноан: “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”.

Конституциянинг 103-моддасига биноан: “Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадilar ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар”.

**2. “Ўзбекистон Республикасининг ҳокимиятнинг конституциявий идораларини кўриқлаш тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрдаги Қонуни;**

**3. Маълум бир давлат идорасида хизмат қилиш ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми бевосита амал қилувчи қонунлар билан тартибга солинади. Мисол сифатида: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси**

«Судлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Ички ишлар идоралари тўғрисида»ги, «Давлат хавфсизлиги идоралари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги ва бир қатор бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

4. Айрим давлат идораларининг ҳуқуқий мақоми Президент Фармон ва қарорлари билан тасдиқланган. Мисол сифатида: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сон Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисида” ги Низомда белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида” ги Низомда белгиланган.

5. Бир қатор давлат идораларининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган. Мисол сифатида 2017 йил 12 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги 714-сон Қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида» ги Низом, 2017 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда айрим идоравий мансуб ташкилотларнинг уставларини тасдиқлаш ҳақида»ги 961-сон Қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисида»ги Низом, 2018 йил 18 майдаги Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 369-сон Қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисида” Низом, 2018 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1066-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тўғрисида”ги Низом, “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, унинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, республика ва ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” ги Қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тўғрисида” ги Низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 18-моддаси. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 79-модда. Қариндош-уруғларнинг давлат корхонасида бирга хизмат қилишларини чеклаш. Ўзаро яқин қариндош ёки қуданда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

Бу қоидадан истиснолар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланиши мумкин. (Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат акционерлик корхоналарида бирга хизмат қилишларини чеклаш қоидаларидан истисно этилиши мумкин бўлган ходимлари Рўйхати.)

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 69-модда. Давлат органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган ходимларни ишга жойлаштириш юзасидан қўшимча қафолатлар.

Давлат органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишдан озод қилинган ходимларга сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколатлари тугагандан кейин

аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, аввалгисига тенг иш (лавозим) берилади.

Давлат хизматига оид махсус қоидалар шунингдек сиёсий соҳада ҳам мавжуд. Жумладан, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига кўра,

Қуйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар:

- судьялар;
- прокурорлар ва прокуратура терговчилари;
- ички ишлар органлари, давлат хавфсизлик хизмати ходимлари;
- ҳарбий хизматчилар.

## **2. Давлат хизматини ўташ муносабати билан қонун даражасида белгиланган мансаб бўйича чеклашлар давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомининг муҳим таркибий қисми сифатида**

Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида 2019 й. 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ 5843-сон фармони имзоланди.

Унда белгиланидех:

давлат хизматчиси ўз фаолиятини давлат хизматчилари лавозимлари реестрига киритилган лавозимларда амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаросидир;

чет давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси президентининг алоҳида қарорларида белгиланган тартибда давлат хизматчилари лавозимларини эгаллашлари мумкин;

давлат хизматчилари лавозимлари реестрига киритилган лавозимларни эгаллаб турган давлат хизматчиларининг фаолияти давлат хизматига оид қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида хизмат қилиш давлат махсус хизмати бўлиб, алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қуйидагилар давлат хизматини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари деб ҳисобланади:

энг муносиб ва қобилиятли шахсларни уларнинг касбий фазилатлари ва алоҳида хизматларига адолатли ҳамда объектив баҳо бериш асосида давлат хизматига қабул қилишни назарда тутадиган меритократия принципини қўллаш;

давлат хизматида «мансаб модели» ни жорий этиш, бунда мансаб даражаларидан босқичма-босқич ўтиш, кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш, шунингдек, давлат хизматчиларининг тоифалари ва уларга малака даражалари бериш назарда тутилади;

давлат хизматига очиқ мустақил танлов асосида қабул қилиш, бу номзоднинг барча устунликлари ва афзалликларини, шу жумладан унинг ахлоқий ва ватанпарварлик фазилатларини ҳолисона баҳолаш имконини беради;

давлат органи ва ташкилотининг даражаси, ходимнинг малака даражаси ва шахсий ҳиссаси асосида иш ҳақини аниқлаш учун ягона талабларни белгилашни назарда тутувчи давлат хизматчиларига иш ҳақи тўлашнинг ягона тизимини жорий этиш;

миллий, республика, соҳа ва минтақавий даражада самарали ҳамда малакали кадрлар захирасини шакллантириш, давлат хизматига энг малакали номзодларни танлаш учун хусусий бандлик агентликларини фаол жалб қилиш ва аутсорсингнинг замонавий шаклларида фойдаланиш;

**давлат органлари ва ташкилотларида кадрларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;**

**самарали ижтимоий кафолатлар тизимини жорий этиш, шунингдек, давлат хизматчиларининг касбий маҳоратини ошириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш учун рағбатлантириш.**

Ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (ДХРА) ташкил этилди. У давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларда кадрлар бошқаруви ҳамда инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлади.

Белгилаб кўйилишича:

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси президентига бўйсунди ва унга ҳисобот беради;

Ўзбекистон Республикаси президентининг давлат хизмати ва ҳокимият вакиллик органлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси бир вақтнинг ўзида агентлик директори ҳисобланади;

агентлик Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

**Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

**давлат хизматини трансформацияси учун мафкуравий платформани, уни ривожлантириш дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, давлат хизмати соҳасида ягона сиёсатнинг амалда бажарилишини таъминлаш;**

**давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;**

**давлат хизматини ривожлантириш тенденциялари ва ривожланиш истиқболларини мониторинг ҳамда таҳлил қилиш, ушбу соҳадаги муаммолар ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;**

**ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг очиқлик, профессионаллик ва ҳисобдорлик тамойилларига асосланган инновацион усулларини жорий этиш;**

**Миллий кадрлар захирасини бошқариш, давлат хизмати лавозимлари реестрини юритиш, шунингдек, давлат хизматчилари бўш лавозимларининг ягона очиқ порталини яратиш ва юритиш;**

**давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқлик рейтингини шакллантириш учун ўлчов кўрсаткичлари (муҳим кўрсаткичлар) тизимини жорий этиш;**

**малакали ва юқори малакали мутахассисларни аниқлаш ва жалб қилиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш, шу жумладан, чет элда яшаётган ватандошлар орасида, шунингдек, иқтидорли ёшлар ва аёлларни давлат хизматига кенг жалб қилиш;**

**давлат хизмати учун энг истиқболли кадрларни очиқ мустақил танлов асосида ташкил этиш;**

**давлат хизматчилари ўртасида юқори касбий этика, коррупцияга қарши маданият ва коррупцияга мурасиз муносабатни шакллантириш;**

**давлат хизмати соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва изчил такомиллаштириш, давлат хизматчилари шахсий маълумотларининг сақланиши билан боғлиқ маълумотлар базасини шакллантириш;**

**давлат хизматчиларининг иш берувчилар билан муносабатларида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, шунингдек уларнинг ишлаши ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб шароитлар яратишда кўмаклашиш.**

**Давлат хизматини ўташ муносабати билан қонун даражасида белгиланган мансаб**

**бўйича чеклашлар давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.** Мансаб бўйича чеклашлар давлат хизматчисининг хизмат фаолиятида ва кундалик хулқ-атворида рухсат этилган хатти-ҳаракатлар доирасини белгилайдиган тақик кўринишидаги сиёсий, иқтисодий ва ташкилий-бошқарув омиллари мажмуидан иборат бўлади. Айтайлик, ҳокимият ваколатлари (баъзан бу ваколатлар ниҳоятда юқори бўлади) бериладиган давлат хизматчиси бундай ваколатлардан нотўғри ёки ҳатто қонунга ҳилоф равишда, чунончи: сиёсий мақсадларда, учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида, моддий наф кўриш мақсадида фойдаланиш имкониятларига эга бўлади. Юқорида зикр этилган чеклашларнинг вазифаси давлат хизматчиси шахсий манфаатларининг давлат ва жамият манфаатлари билан тўқнаш келишига йўл қўймасликдан иборат. Шу боис, кўпгина мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида давлат хизматидаги шахсларнинг ҳуқуқий мақомини чеклаш тўғрисидаги қоидалар назарда тутилади.

Чеклашлар, одатда, мутлақ кўринишга эга бўлади, давлат хизматчисининг бутун хизматни ўташи мобайнида амал қилади ва бекор қилиниши ёки бошқа қоидалар билан алмаштирилиши мумкин эмас. Бу чеклашларнинг барчасини **тўрт гуруҳга** ажратиш ўринли бўлади.

**Биринчи гуруҳга сиёсий соҳага тегишли чеклашларни** киритиш мумкин:

а) давлат хизматчиси чет давлат фуқаролигини қабул қилиши тақикланади;  
б) давлат хизматчиси қонунчилик (вакиллик) органи депутати бўлиши мумкин эмас;  
в) давлат хизматчиси ўз хизмат мавқеидан сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, шу жумладан диний бирлашмаларнинг манфаатлари йўлида уларга нисбатан ўз муносабатини тарғиб қилиш учун фойдаланиши мумкин эмас, шунингдек давлат органларида сиёсий партиялар, диний уюшмалар, жамоат бирлашмалари тузилмалари ташкил этилиши мумкин эмас (касаба уюшмалари бундан мустасно);

г) давлат хизматчиси иш ташлашларда иштирок этиши мумкин эмас, у давлат органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолияти ҳақида оммавий тарзда фикр билдириш ёки уни баҳолашдан ўзини тийиши лозим.

**Иккинчи гуруҳга**, аввало, хизматчининг вақтини хизмат мақсадлари учун тежашга, қолаверса, **хизматчи бошқа юмушларга чалғиши ёки ўз хизмат ваколатидан ўзининг моддий фаровонлигини қонунга ҳилоф равишда мустаҳкамлаш учун фойдаланишига йўл қўймасликка қаратилган чеклашларни** киритиш мумкин:

а) давлат хизматчиси педагогик, илмий ёки бошқа ижодий фаолиятдан ташқари, бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас;

б) у тижорат ташкилотининг бошқарув органига аъзо бўлиши мумкин эмас (қонунда махсус айтиб ўтилган ёки қонунда белгиланган тартибда рухсат этилган аъзолик шакллари бундан мустасно);

в) давлат хизматчиси деҳқон хўжаликлари ташкил этиши мумкин эмас;

г) давлат хизматчиси жисмоний ва юридик шахслардан ҳақ (пул, совға, қарз, хизматлар, дам олиш учун ҳақ тўлаш, транспорт харажатларини қоплаш ва бошқа кўринишларда ҳақ) олиши тақикланади;

д) у давлат хизматчиси сифатидаги чиқишлари ва эълон қилинган асарлари учун гонорар олиши мумкин эмас.

**Давлат хизматчиси номулкий наф кўриш мақсадида фойдаланиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар чеклашларнинг учинчи гуруҳини** ташкил этади, булар:

а) давлат хизматчиси ўзи хизмат қилаётган ёки бевосита бўйсунадиган давлат органида учинчи шахсларнинг ишлари бўйича вакил бўлиши мумкин эмас;

б) давлат хизматчиси давлат бошлиғининг рухсатисиз чет давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлардан фахрий ва махсус унвонлар олиши мумкин эмас;

в) давлат хизматчиси муайян мамлакатнинг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки давлат ҳокимияти органларининг чет давлатлар ҳокимият органлари вакиллари, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан аҳдлашувига кўра амалга ошириладиган хорижий хизмат сафарларига жисмоний ва юридик шахслар ҳисобидан чиқиши мумкин эмас.

**Моддий-техника ва ахборот таъминоти воситаларидан, давлатнинг бошқа мол-мулкидан ва хизматга доир ахборотдан хизматга боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланишга тақиқлар чеклашларнинг тўртинчи гуруҳига киради.**

Кўпгина ҳуқуқий чеклашлар мутлақ хусусиятга эга, баъзан уларда давлат хизматчисининг мансаб мавқеи, у банд бўлган ҳокимият даражаси ва бўғини ҳисобга олинмайди, қонунда белгиланган ҳуқуқий чеклашларни бузганлик учун муайян жазо чоралари назарда тутилмайди. Давлат хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида шуларнинг барчасини ҳисобга олиниши лозим.

Юқорида санаб ўтилган чеклашлар давлат хизматчисининг ҳуқуқий мақоми доирасида кафолатланган имтиёзлар билан мувозанатга солинади. **Давлат хизмати бўйича кафолатлар – бу давлат лавозими вазифаларини самарали бажариш учун қулай шарт-шароит яратадиган, давлат хизматининг аҳамиятини оширадиган, давлат хизматчисининг ижтимоий ва ҳуқуқий мақомининг барқарорлигини таъминлайдиган ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув ва ахлоқий-психологик йўсиндаги чора-тадбирлар мажмуидир.**

### **3. Коррупцияга қарши кураш – давлат хизматини ислоҳ этишнинг зарур шarti**

Коррупция – илдизлари давлат хизматини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига ҳос психологиясига бориб тақаладиган ижтимоий ҳодисадир. Бу коррупцияга қарши аввало маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари кўриш зарурлигини белгилаб беради.

Коррупцияга йўл очадиган омиллар сирасига ҳокимият органлари тизимининг мураккаблиги, буйруқбозлик таомилларининг кўплиги, давлат ҳокимияти органлари аппаратининг фаолияти устидан ташқи ва ички назоратнинг йўқлиги каби жиҳатларни киритиш мумкин. Ташкилий тушунмовчиликларни фуқароларнинг коррупцион хулқ-атворини рағбатлантиришдан фарқлаш баъзан жуда қийин кечади. Тақиқлар, руҳсат бериш таомиллари сонининг ҳаддан ташқари кўплиги, давлат ҳокимияти органлари фаолиятига жалб қилинган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизми ва ҳуқуқий асосларининг йўқлиги ҳам коррупцияга йўл очади.

Зотан, тарихий тажриба ва ҳозирги амалиёт, шу жумладан баъзи янги мустақил давлатлар амалиёти коррупция ва жиноятчилик хавфсизликка қанчалик таҳдид солишини аниқ тасаввур этиш имконини беради:

**1. Сиёсий жиҳатдан олганда, коррупция амалга ошириляётган ислоҳотларга қаршилик кўрсатиш ифодаси саналади.** Унда, янги иқтисодий муносабатларни ўзига қарши таҳдид деб билган ҳолда, уларнинг ривожланишини секинлаштириб қўйишга ҳаракат қиладиган маъмурий-буйруқбозлик тизими билан «хуфёна» иқтисодиётнинг манфаатлари объектив равишда бирлашади. Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини давлат манфаатларидан устун қўйиб, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига тузатиб бўлмайдиган зарар еткази.

**2. Жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий бузилишига олиб келади.** «Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни четлаб ўтишдир», деган мутлақо ярамас қоида жамиятнинг энг оддий ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб келади.

**3. Жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради, жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради, ислоҳотлар ғоясини обрўсизлантиради.**

**4. Ҳокимият органларининг жиноятга аралашиб қолиши ривожланаётган жамият учун ғоят хатарли ҳисобланади.** Жиноий тузилмаларнинг давлат органлари амалдорлари билан чатишиб кетиши фуқароларнинг ҳимоясизлиги ҳиссини кучайтиради, давлатни обрўсизлантиради, мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам унга ишончсизлик ортиб боради.

5. Нопок йўл билан бойлик ортттирганлар жазодан қутулиб қолиш ва ўзларининг жиноий сармояларини ҳимоя қилиш учун оммавий тартибсизликлар келтириб чиқаришгача бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яхши билиб олиш лозим.

6. Жиноий усуллар билан бойлик ва мўмай пул ортттирган кимсалар ҳуқуқ ҳимоячилари ва жафо чеккан курашчилар сифатида ҳар қандай йўллар билан ҳокимиятга чиқиб олишга интилаётган ҳолатларга мисоллар оз эмас.

7. Коррупциячиларнинг чет элдаги сармоялари соҳасидаги хатти-ҳаракатлари нафақат ҳалол фуқароларда, балки чет эллик шерикларда ҳам ишончсизлик уйғотади ва уларни чўчитиб қўяди.

Маълумки, коррупциянинг ўзагини қариндош уруғчилик ташкил этади. **Қариндош-уруғчилик қуйидагилардан бири ёки бир нечтасини ўз ичига олади:**

- яқин оила аъзосини ёки оиланинг давлат хизматидаги, ёки ўзининг ваколати ёки назорати остида бўлган бирон идорадаги шеригини ишга олишни тавсия этиш, бунда қатнашиш ёки бунга сабаб бўлиш, ишга тайинлаш, қайта тайинлаш, малака даражасини аниқлаш ва қайта белгилаш, баҳолаш, лавозимини кўтариш, кўчириш ёки ўқитиш;

- яқин оила аъзоси ёки оила шеригига муқофот тайинлашда қатнашиш;

- яқин оила аъзосини ёки оила шеригини ишга олиш, ишга тайинлаш, қайта тайинлаш, малака даражасини аниқлаш ва қайта белгилаш, баҳолаш, лавозимини кўтариш, кўчириш ёки ўқитиш билан боғлиқ вазифаларни ўз қўл остидаги ходимга топшириш;

- кейинчалик давлат секторига ёки бош маъмур қилиб хусусий секторга тайинланган (бу ҳолда аввалгиси кейингиси устидан раҳбарлик ёки назорат ваколатига эга эмас) яқин қариндоши учун ҳаракат қилиш;

- яқин оила аъзосини ёки оила шеригини бевосита ёки бавосита назорат қилиш ёки бу ишни ўз қўл остидаги ходимга топшириш.

Қариндош уруғчилик ҳодисаси кадрлар сиёсатига қандай салбий таъсир ўтказса, ундан кенгроқ бўлган бошқа бир кронизм тушунчаси ҳам ана шундай салбий ҳодисалардандир.

**Кронизм** - лавозимларни таниш-билишчилик асосида тарқатиш қариндош-уруғчиликка нисбатан кенгроқ маънога эга бўлиб, у берилган лавозимга мос ёки мос эмаслигидан қатъи назар уни дўстларига бериш афзал кўрилган вазиятларни қамраб олади. Бу ҳол кўпинча ишга тайинлаш жараёнида, шунингдек баъзан кенг ваколатлар ишга солинган ҳар қандай вазиятда ҳам вужудга келиши мумкин.

#### **4. Алоҳида соҳаларда давлат хизматини тартибга солишнинг хусусиятлари**

Давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ўрганишимиз зарур. Шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда ушбу омилларга таъсир кўрсатиш орқали уларнинг самарали меҳнат қилишларига эришишини таъминлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарур бўлади. Ушбу фикрдан келиб чиққан ҳолда **маҳаллий ижро ҳокимияти органлари давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллардан бирисифатида уларнинг давлат томонидан белгиланган кафолатларива давлат хизматчилари меҳнатларига ҳақ тўлаш шароитларига** эътибор қаратиш зарур.

**2018 йил 18 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида” ги (янги таҳрири) Қонуни қабул қилинди.**

Коррупциявий жиноятларни олдини олиш ва профилактика қилишда солиқ маъмуриятчилиги тизимини ва **Давлат солиқ хизмати органларининг** ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакат иқтисодиётини узоқ муддатли ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётган шароитда самарали солиққа тортиш тизими ва давлат солиқ хизмати органларининг уйғунлашган фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга

ошириш мақсадида 2018 йил 26 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон Қарори қабул қилинган.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири - **солиқ маъмуриятчилиги ва назоратининг мутлақо янги тизимини яратиш, шунингдек, коррупциявий омилларга йўл қўймаслик бўйича превентив ва олдини олиш чораларини қўллаш белгиланган.**

Маҳаллий ижро ҳокимиятининг қуйи органи сифатида ушбу туман ҳокимлигида фаолият кўрсатаётган давлат хизматчиларига давлат кафолатлари етарли даражада ташкил қилинмаган. Бу ҳолатни бошқа туман ҳокимликларида ҳам кузатишимиз мумкин. Юқоридаги ҳолатлар оқибатида ушбу органлар тизимида кадрлар кўнимсизлиги ортиши кузатилади. Бу эса, албатта, ушбу органдаги давлат хизматчиларининг фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати тизимининг ҳуқуқий асосларини қайси актлар ташкил этади?
2. Давлат хизматчисининг ишбилармонлик қобилиятини баҳолаш қайси бошқарувчилик муаммоларини ҳал қилишга қаратилади?
3. Давлат хизматини ислоҳ этишда коррупцияга қарши кураш сиёсатининг аҳамияти қандай ?
4. Давлат хизмати тизимида коррупциянинг қандай шакллари мавжуд?
5. Давлат хизматчисига қандай таъқиқ ва чекловлар ўрнатилиши мумкин ?
6. Кронизм иборасини тушунтиринг.

#### **МАВЗУ № 5.**

#### **ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИДА ХОДИМЛАРНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ НАМУНАВИЙ ҚОИДАЛАРИ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ**

1. Касб этикасига оид асосий тушунчалар, категориялар ҳамда принциплар
2. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари
3. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари фаолиятида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик масалалари

#### **1. Касб этика институтининг пайдо бўлиши, асосий тушунчалари, категориялари ҳамда принциплари**

“Этика” сўзи қадимий юнонча «этос» (etos) сўзидан келиб чиққан бўлиб, уй, биргаликдаги яшаш макони, инсонларнинг турар жойи маъноларини англатади. Кейинчалик бу сўзнинг маъноси одоб, ахлоқ яъни инсон муомаласи доираси ва характери ўртасидаги алоқаларни, инсоният сифатининг муҳим белгилари, фазилатлари маъносини билдира бошлаган.

Этика категорияларига қўйидагилар киради:

- яхшилик ва ёмонлик;
- адолат ва адолатсизлик;
- бахт ва бахтсизлик;
- виждон ва виждонсизлик;
- бурч, ор-номус ва кадр-қиммат;
- ҳаётнинг маъноси.

«Яхшилик» ва «ёмонлик» категориялари.

**Ахлоқ** - арабча сўз бўлиб, хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия деган маъноларни англатади. Ҳозирги вақтда бу тушунча жамиятнинг ахлоқий ҳаётида юз берадиган барча жараёнларнинг мажмуини ақс эттиради. Ахлоқ тушунчасини икки хил маънода кўриш мумкин: ахлоқ умумий тушунча сифатида этиканинг тадқиқот объектини англатса, якка тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг ўзига хос кўринишини англатади. Хусусан «одоб», «хулқ-атвор» маъноларида ҳам ишлатилади. Аслида «ахлоқ» ва «одоб» тушунчалари бир-биридан мазмун жиҳатидан фарқ қилади.

**Одоб** (араб. — адаб сўзининг кўплиги) — жамиятда эътироф этилган хулқ нормаси. Шахс маънавий ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалайди ва ўзгалар б-н муносабат (оила, меҳнат жамоаси, турли маросимлар)да намоён бўлади. Одоб негизида ахлоқнинг баъзи тамойил ва меъёрлари, шунингдек, мақсадга мувофиқдик ва гўзаллик (эстетика) талаблари ётади. Этиканинг негизини жамиятнинг таркибий тузилиши, хусусан, ундаги мулкрий муносабатлар, меҳнат тақсимооти, аҳолининг ёши ва уларнинг эҳтиёж ва манфаатлари белгилайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосини хилма-хил шакллардаги мулклар ташкил этаётган бир вақтда, уни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

ватанпарварликни ташкил қилади.

**Касб этикаси** нормалари ахлоқий муносабатларнинг таркибий қисми ва ахлоқий онг шаклларида мавжуд бўлади. Касбий этика ҳақида гапирганда ҳуқуқнинг кишилиқ жамияти ахлоқининг посбони эканлигини унутмаслик, ҳар қандай қонуннинг мазмуни ахлоқ нормалари эканлигини, қонун ушбу нормаларни киши ва жамият ҳаётида тўғри ишлатилишини таъминловчи восита эканлигини унутмаслик лозим бўлади.

Касб этикаси принциплари-умумлашган ахлоқий тушунчалар бўлса, ахлоқий нормалар ахлоқий принципларга риоя қилиш учун қандай ахлоқий хислатлар зарурлигини кўрсатади.

Касб этикаси нормаларига қуйидагилар киради: **инсорпарварлик, хушмуомалалик, хушфеъллилик ва одоблилик, оддийлик ва камтарлик, ҳалоллик ва ростгуйлик, инсофлилик, собитқадамлик, очиқ кўнгиллик, сахийлик ва мурувватлилик, ўзаро ҳурмат, дўстона муносабат, самийлилик, сиполик, катталарни ҳурмат қилиш ва бошқалар.**

**Ахлоққа зид иллатларга қарши курашишнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:**

1. Меҳнат ва хизмат интизомини кучайтириш. Интизом ахлоқнинг ажралмас қисми, ахлоқ эса жамиятдаги хатти ҳаракатларни тартибга солувчи, бошқарувчи асосий омилдир.
2. Инсон қанча ва қандай меҳнат қилган бўлса, шунча иш ҳақи, даромад олишини таъминлаш, яхши меҳнатни тақдирлаш ишларини юқори даражада ташкил этиш.
3. Жамиятда яратилаётган барча моддий неъматлар ва уларнинг тақсимланиши давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан назорат қилиб турилиши лозим.
4. Жамоатчилик томонидан ёмон хулқли одамларга қарши муҳит яратиш зарур.
5. Ёшларни ҳалол меҳнат қилишга ўргатиш, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш. У маориф соҳаси ходимларининг асосий вазифасидир.
6. Ҳар бир кишининг меҳнати самарали бўлиши лозим. Самарали меҳнат ахлоқсизликдан асрайди.
7. Жиноятчиликка қарши курашиш.

**2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2016 йил 2 март куни қабул қилинган 62-сонли қарор талаблари**

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари одоб-ахлоқнинг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, давлат хизматида суистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида, **Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори** қабул қилиниб, у билан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ Намунавий қоидалари тасдиқланди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат хизматчилари томонидан ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, давлат хизматчиларини юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган бўлиб, унда давлат хизматчиларининг хизматдаги хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари, Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари белгилаб берилди.

Шу билан бирга, кўрсатиб ўтилган Одоб-ахлоқ қоидаларида ҳар бир давлат органларида Одоб-ахлоқ комиссияларининг ташкил этилиши ҳамда уларнинг вазифлари ва функцияларининг белгиланиши назарда тутилиб, бунда давлат органлари хизматчилари олдида ўз хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш, ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш, юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини ўз вақтида ва сифатли бажариш, ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик, хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик, давлат органида хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш ва шу каби бир қатор мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ тартиб-таомиллар белгиланди.

Ушбу вазифаларни ҳар бир давлат органи тизимида бажарилишини таъминлаш мақсадида, вазирлик ва идораларда ўз фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ қоидалари асосида марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар ходимлари учун мажбурий бўлган ходимларнинг идоравий одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқилди, шунингдек уларда Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби тасдиқланди.

Давлат хизматчилари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек давлат органининг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

### **3. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунида манфаатлар тўқнашуви тушунчаси ва уни бартараф этиш талаблари**

**“Манфаатлар”** – ҳар қандай мажбуриятлар, қуйилмалар, муносабатлар, вазифалар ёки иштирок қилиш, молия ёки иштирокчилар қарорлари қабул қилинишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа манфаатлар, шу жумладан:

**“Бевосита манфаат”** – иштирокчи/ходимнинг шахсий мулк;

**“Билвосита манфаат”** – бошқа инвестициялар, мулклар, ишончнома ёки бошқа воситачилик орқали бенефициар мулк эгалигидаги мулк;

**“Шахсий манфаат”** – молиявий фойда кутилишини ўз ичига олиши ёки олмаслиги мумкин бўлган шахсий улуш ёки иштирок қилиш; шунингдек

**“Тахминий манфаат”** – эри (хотини) манфаатдорлиги сабабли манфаатдор ҳисобланадиган иштирокчи тушунилади.

Манфаатлар тўқнашуви иштирокчиларнинг шахсий манфаатлари уларнинг ташкилотдаги вазифалари бажарилишига потенциал халақит бериши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади. Амалий, потенциал ёки тахминий манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлиши шахснинг ҳалоллигига, ҳолислигига ва масъулиятлилик даражасига таъсир кўрсатиши, бу эса, ўз ўрнида, ташкилот манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин.

**Бошқарув тизимида манфаатлар тўқнашуви - мансабдор шахс ўз манфаатларини кўзлаб, жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларга зарар етказиши мумкин бўлган вазият. Манфаатлар тўқнашуви қуйидагиларга олиб келадиган муаммоларни пайдо қилиши мумкин:**

**ташкилот обрўсига зарар етказиш, бу унинг ўз фаолиятини давом эттириш қобилияти йўқотилишига олиб келиши;**

**иштирокчилар қарорларига таъсир кўрсатиш ва ташкилот фаолиятини юритишда унинг ҳолисгини обрўсизлантириш;**

**эркин муҳокама қилишни чеклаш, бу ташкилот манфаатларига жавоб бермайдиган қарорлар қабул қилинишига ёки ҳаракатлар амалга оширилишига олиб келиши; шунингдек**

**ташкилот тегишлича фаолият юритмагандек салбий таассурот уйғотади.**

**Манфаатлар тўқнашувининг икки асосий кўриниши:** коррупция ва жинойтчилик ҳамда маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари тўғрисида қуйидаги фикрларни билдириш мумкин.

Халқаро амалиётда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар сифатида қариндош-уруғчилик (трайбализм), раҳнамолик, фаворитизм, лоббизм, протекционизм, непотизм, кронизм, клиентелизм, патронаж, пантуфляж ва бошқалар кўрсатилади.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

**1. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари қандай турдаги муносабатларни тартибга солади ?**

**2. Касб этикаси нормалари тизимига нималар киради ?**

**3. Бошқарув тизимида манфаатлар тўқнашуви қайси ҳолларда юз беради ?**

**4. Одоб ахлоқ нормалари бузилган ҳолда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари қандай турдаги жавобгарликка тортилиши мумкин ?**

**5. Манфаатлар тўқнашувининг қандай кўринишлари мавжуд ?**

**6. Деонтология таълимотининг асосий мақсади нималардан иборат ?**

## **МАВЗУ № 6.**

### **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАРНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**1. Коррупциянинг олдини олишнинг асосий йўналишлари**

**2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида коррупцияга қарши курашиш борасида ваколатли органлар вазифалари**

**3. Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг вазифалари**

#### **1. Коррупциянинг олдини олишнинг асосий йўналишлари**

Ҳозирги кунда жамият иқтисодий соҳасида қуйидаги даражаларда коррупция алоқалари намоён бўлмоқда.

**Биринчи даража** – коррупциялашган мансабдор шахсларнинг давлат корхоналари ва тузилмаларида, жамоат корхоналарида, молия ва банк муассасаларида, мулк шаклидан қатъи назар,

тадбиркорлик фаолияти субъектларида иқтисодий жиноятларни содир этиш, битимларни яшириш, жиноий даромадларни легаллаштириш, катта маблағларни нақд пулга айлантириб, келгусида конвертациялаш мақсадида уюшган жиноий тузилмаларнинг хуфиёна ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сохта фирмалар тузишига, уларнинг рўйхатга олиниши ва фаолият кўрсатиши учун рухсат этишига ёрдам бериш.

**Иккинчи даражада** уюшган жиноий тузилмаларнинг ташкилотчилари ва раҳбарлари ҳокимият ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари билан коррупция алоқаларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланадилар: катта миқдордаги пул маблағларини, қимматбаҳо қоғозларни олиш билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш; экспорт квоталарини олишда манфаатларни кўзлаш ва ҳимоя қилиш; уюшган жиноий гуруҳлар, уюшмалар тасарруфида бўлган ва улар назорат қиладиган сохта фирмалар ва тижорат тузилмаларининг мақсадли давлат кредитлари, имтиёзлар ва бошқа устунликлар олишида ёрдам бериш; давлатга қаршли катта корхоналарнинг мулкларини хусусийлаштириш жараёнида давлат мулкни бошқариш ҳуқуқини жиноий йўналишдаги тижорат тузилмаларига бериш; ноқонуний равишда молия-хўжалик битимлари тузиш, банк операциялари ўтказиш, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш; давлат маблағларини сохта тадбиркорлик ҳамда хуфиёна бизнесга киритиш ва ҳ. к.

**Учинчи даражада** коррупциялашган амалдорлар ўзлари ёки бошқа шахслар орқали уюшган жиноий тузилмаларнинг ташкилотчилари ва раҳбарларига қуйидагиларда ёрдам кўрсатадилар: жиноий тажовуз объектларини танлаш; жиноятларни режалаштириш, тайёрлаш, содир этиш ва уларнинг изини йўқотиш; уюшган гуруҳларни замонавий техник ва инфорацион воситалар билан таъминлаш; иқтисодий жиноятларни содир этишга қулай шарт-шароитлар яратиш бериш; уюшган жиноий тузилмаларнинг назорат ва таъсир қилиш соҳаларини кенгайтириш; жиноий маблағларни легаллаштириш ва уларнинг хавфсизлигини ҳамда самарадорлигини таъминлаш учун зарур бўлган маълумотларни бериш ва бошқа йўллар билан хизмат кўрсатиш.

**Тўртинчи даражада** уюшган жиноий тузилмалар коррупция алоқалари бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари давлат хизматчиларининг имкониятларидан ижтимоий назоратдан қутулишда, давлат назорат органларининг текширувлари, молиявий тафтиш ўтказишлари, шунингдек уюшган жиноий тузилмалар содир этган иқтисодий жиноятларни аниқлаш борасидаги оператив қидирув, суриштирув ва тергов ҳаракатларини олиб боришга ҳамда суд тергови жараёнига турли хил шаклларда аралаштириш йўли билан қаршилик кўрсатишда фойдаланадилар. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг маънавиятини кучайтириш, бу соҳада ҳаракат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди.

**Бешинчи даражада** коррупциялашган давлат амалдорлари уюшган жиноий тузилмалар назорат қиладиган ёки уларнинг ўзлари ташкил этган тадбиркорлик тузилмаларининг манфаатлари учун фойдали бўлган қонунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқарувга оид ўзга қарорларнинг қабул қилинишини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган парламент ислохотининг асосий мақсадларидан бири қонун чиқариш жараёнини демократлаштиришдир.

**Олтинчи даражада** давлат органларининг мансабдор шахслари уюшган жиноий тузилмалар маблағларини расмий иқтисодга, сиёсий институтларга, оммавий ахборот воситаларига киритишга ёрдам бериш, унинг вакилларини сиёсий идоралар ва бошқарув тузилмаларига тавсия этиш ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига киритишга ҳаракат қиладилар. Шунинг мамлакатда коррупцияга қарши кураш даражаси, унинг амалий самараси кўп жиҳатдан ҳуқуқ-тартибот, прокуратура ва суд органлари тизимининг ўзида бу иллатга қарши қандай кураш олиб борилаётганлигига боғлиқдир.

Давлат амалдорларининг коррупция алоқаларидан турли жамиятларда турли хил даражада фойдаланадилар. Кўпчилик мутахассислар жамиятда коррупциянинг асосан иккита, яъни юқори ва қуйи тури борлигини кўрсатадилар. Юқори коррупция давлат ҳокимиятининг олий органларида бўлиб, асосан у ёки бу қарорни қабул қилиш билан боғлиқ ҳолда, пастки коррупция эса фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз муаммоларини ҳал қилиш учун бевосита маҳаллий ҳокимият органларига мурожаат қилишлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, юқори коррупция ҳамма давлатларда мавжуд бўлиб, унга қарши доимо курашиб келинади. Пастки коррупция эса илгари собиқ Иттифоқ давлати таркибида бўлган мамлакатларда жуда кенг тарқалган ва уни ҳокимият тизимларини ислоҳ қилиш билангина ҳал қилиб бўлмайди. Пастки коррупция пастдан юқорига қараб ўзаро бўйсунуш тартибига эга бўлиб, юқори коррупцияни озиклантириб туради.

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида коррупцияни тақозо этувчи ижтимоий-руҳий муҳитга, коррупцион жиноятлар содир этишга мойил шахсларга, уларнинг тажовуз объектлари ва қурбонларига нисбатан йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган кечиктириб бўлмас ҳамда вазиятга қараб қўлланиладиган олдини олиш чораларини шартли равишда қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- а) жиноят содир этишни қийинлаштирувчи чоралар;
- б) жиноят содир этишнинг хатарли бўлишини таъминловчи чоралар;
- в) жиноий фаолиятдан келадиган фойдани камайтирувчи чоралар.

**Коррупцион жиноятлар содир этишини қийинлаштирувчи чораларга қуйидагиларни киритиш мумкин:**

- ходимларни ишга қабул қилишда батафсил текшириш тизимини жорий этиш;
- етарли ва асосли синов муддати белгилаш;
- илмий асосланган чеклов ва тақиқлар жорий этиш;
- касб ахлоқининг даражасини кўтариш;
- мансабдор шахслар ҳаракатлари тартиб-қоидаларининг ёзиб қўйилишини жорий этиш;
- мансабдор шахс суниестемол қилиши мумкин бўлган ваколатлар доирасини чеклаш;
- фаолиятда очиклик ва ошкораликнинг сўзсиз таъминланишига эришиш;
- керакли қарорларнинг очик ва ошқора қабул қилинишини таъминлаш;
- криминологик аҳамиятга эга бўлган ва мустақил қабул қилинадиган қарорларнинг назорат остида бўлишига эришиш;
- давлат хизматчиларининг ҳисобот бериб туришини жорий этиш;
- уларнинг ахлоқ кодексини қабул қилиш;
- мансабдор шахсларнинг доимий иш жойини ўзгартириб туриш;
- уларнинг моддий манфаатдорлик бўлган тadbирларда иштирок этишини чеклаш;
- давлат хизматидан бўшатилгунича унинг назоратида бўлган соҳада хусусий фаолият билан шуғулланишини вақтинча тақиқлаш;
- собиқ мансабдор шахсга ўз идорасида шахсий манфаатларини ҳимоя қилишни тақиқлаш;
- ёлғон айблар қурбони бўлган хизматчиларни қўллаб-қувватлаш ва ҳ. к.

**Коррупцион жиноятлар содир этишнинг хатарли бўлишини таъминловчи чораларга қуйидагилар кирди:**

- оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва ошкоралигини таъминлаш;
- режали равишда ва қутилмаганда аудиторлик текширувлари ҳамда тафтишлар ўтказиш;
- мансабдор шахс ва унинг яқинларининг мулкий аҳволини мажбурий текшириладиган қилиб қўйиш;
- мансабдор шахсларнинг қабул қилган қарорлари учун масъулиятни кучайтириш;
- идоравий хавфсизлик хизматини ташкил этиш;
- ички телевидение тизимини ўрнатиш;
- қимматбаҳо совғалар қабул қилишни тақиқлаш ва улар ҳақида ҳисобот берилишини жорий этиш;
- коррупция фактларини фoш этувчи маълумотлар берган ходимларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- коррупцияда айбдор бўлганларнинг мажбурий экстрадиция қилинишини халқаро миқёсда таъминлаш ва ҳ. к.

**Коррупцион фаолиятдан келадиган фойдани камайтиришга қаратилган чораларга қуйидагиларни киритиш мумкин:**

- давлат хизматчилари учун меҳнатга адолатли ҳақ тўлаш ва бошқа ижтимоий манфаатдорлик тизимини жорий этиш;
- ҳалолликни рағбатлантириш;

- коррупцияга қарши қоидаларни бузганлик учун мансабдан бўшатишнинг мажбурийлигини йўлга қўйиш;
- мансаб бўйича иммунитетни бекор қилиш;
- мансаб ва лавозим бўйича ўсишга адолатли ва барча учун бир хил шарт шароит ҳамда имкон бериш;
- нафақага чиқиш учун муносиб шароит яратиш ва ш. к.

## **2. Коррупцияга қарши кураш борасида ваколатли органлар вазифалари**

Қонуннинг 7-моддасида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари рўйхати белгиланган. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;**  
**Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;**  
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;**  
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;**  
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

Қонуннинг 9-моддасида **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг** коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўз ваколатлари доирасида:  
 коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади;  
 коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил қилишни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Қонуннинг 10-моддасида **Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг** коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ўз ваколатлари доирасида:  
коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, давлат хавфсизлик учун таҳдидларни баҳолашни амалга оширади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

ДХХ нинг бу борадаги ваколатлари **2018 йил 5 апрельда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида ўз аксини топган.**

Қонуннинг 11-моддасида **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг** коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини таъминлайди;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкинлиги белгиланган.

**Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқий мақоми 2016 йил 16 сентябрьда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган.**

**“Коррупцияга қарши кураши тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади; аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарбияга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда уларнинг лойиҳаларидаги коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида ушбу ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг таҳлилини амалга оширади;

коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида” ги Низомда белгиланган.**

**“Коррупцияга қарши кураши тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги департаменти ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-кидирув фаолиятини, суриштирувни амалга оширади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол тутилган йўллари ва механизмларини аниқлаш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини ташкил этади ҳамда ўтказди;

жиноий таъқиб этишни ташкил қилиш ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини коррупцияга оид аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги департаменти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сон Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисида” ги Низомда белгиланган.**

### **3. Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг вазифалари**

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги қонунининг 14-моддасида **фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши қоидалари** белгиланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ушбу моддада назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Идоралараро комиссия ва ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятида, шунингдек давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

Давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмагани натижасида коррупцион ҳолатларни келтириб чиқарувчи вазиятлар кўпаяётгани ва мансабдор шахслар фаолияти ҳолисона баҳолашга ва уларга берилган ваколатлари билан фойдаланишини ҳолисона баҳолашга ҳалақит беради.

Ўзбекистонда 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, адлия **органларида 9 235 та нодавлат нотижорат ташкилот ва 2 245 та диний ташкилот рўйхатдан ўтказилган. Шу билан бирга 231 та доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди, 8973 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳам ҳисобга олинган.** Бундан ташқари, қасаба уюшмаларининг 130 мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти мавжуд. Ана шу ва бошқа талай омиллардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир давлат органи ҳузурида коррупцияга қарши курашиш бўйича жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Улар таркибига тегишли давлат органи раҳбари, унинг ўринбосарлари, кадрлар нозири, назорат ва таҳлил вазифаси юклатилган таркибий бўлинма раҳбари ҳамда узоқ йиллик тажриба ва малакага эга бўлган таркибий бўлинма раҳбарлари, бошқа ходимлар, шунингдек, ҳамкор ННТ вакиллари ҳамда тизимдаги қасаба уюшмаси фаоллари киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги қонунининг 15-моддасида **оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этишини ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.**

Оммавий ахборот воситалари:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин. Мазкур қонун ижроси жараёнида жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни қарор топтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бунда, шубҳасиз, оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Чунки журналистлар ўз чиқишлари билан одамларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ижтимоий адолат ғояларини илгари суриш орқали жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсизлик муҳитини шакллантиришга кўмаклашади.

Оммавий ахборот воситалари коррупциянинг кўзга кўринмас яширин механизмларини жамоатчиликка очиқ-ойдин кўрсатиб бериш, ушбу иллатнинг жамият ҳаётида чуқур илдиз отишига тўсик қўйиш орқали унга қарши таъсирчан кураш олиб боради. Зеро, коррупция ҳолатлари бўйича олиб бориладиган журналистик суриштирувлар коррупциявий жиноятлар учун жазо муқаррарлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий шериклик доирасида ҳамкорликдаги иш режаларини муҳокама қилиш, оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзунини ёритиш, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида коррупция ҳолатлари ва уларни бартараф этиш масалаларини муҳокама қилиш учун “очиқ мулоқот майдонлари” яратилди.

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Ўзбекистон Республикасида коррупцион жиноятлар содир этилишини олдини олишда қандай йўналишлар мажуд?
2. Коррупцион жиноятлар содир этилишига сабаб бўлган қандай омиллар мавжуд ?
3. Коррупцион жиноятлар содир этилишини олдини олишда қайси ваколатли органларга қандай вазифалар юкланган?
4. Коррупцион жиноятлар содир этилишини олдини олишда қандай ишлар амалга оширилиши зарур ?
5. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВнинг нималардан иборат ?

#### **МАВЗУ № 7.**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА НОЖЎЯ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИГИ**

- |   |           |             |
|---|-----------|-------------|
| 1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлиги               | мансабдор | шахсларнинг |
| 2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида коррупциявий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги           | мансабдор | шахсларнинг |
| 3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида коррупциявий ножўя хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлиги | мансабдор | шахсларнинг |

## **1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мансабдор шахсларнинг коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлиги**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгиловчи нормалар Жиноят кодекси махсус қисмининг 6 бўлими XV-бобида жойлашган, бўлим “Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар” деб номланади. Ушбу бўлим ўз ичига иккита бобни, яъни XV-боб “Бошқарув тартибига қарши жиноятлар” ва XVI-боб “Одил судловга қарши жиноятлар” деб номланувчи бобларни қамраб олган.

**Ўзбекистон Республикаси ЖК бўйича коррупцион жиноятлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар (ЖК учинчи бўлим)**

**X боб. Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш**

**167-модда. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш**

**168-модда. Фирибгарлик**

**XII боб. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар**

**175-модда. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш**

**XIII<sup>1</sup> боб. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар**

**192<sup>1</sup>-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш,**

**192<sup>2</sup>-модда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш,**

**192<sup>3</sup>-модда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш,**

**192<sup>4</sup>-модда. Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш,**

**192<sup>5</sup>-модда. Лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш,**

**192<sup>6</sup>-модда. Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш,**

**192<sup>9</sup>-модда. Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш,**

**192<sup>10</sup>-модда. Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш,**

**192<sup>11</sup>-модда. Нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш**

**Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар (ЖК бешинчи бўлим)**

**XV боб. Бошқарув тартибига қарши жиноятлар**

**205-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш,**

**206-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш,**

**207-модда. Мансабга совуққонлик билан қараш,**

**208-модда. Ҳокимият ҳаракатсизлиги,**

**209-модда. Мансаб сохтакорлиги,**

**210-модда. Пора олиш,**

**211-модда. Пора бериш,**

**212-модда. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш,**

**213-модда. Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш,**

**214-модда. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий**

қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши,  
236-модда. Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш  
Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар (ЖК олтинчи бўлим)  
XVII боб. Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар  
243-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш  
Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар (ЖК еттинчи бўлим)  
XXIV боб. Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари  
301-модда. Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига  
чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги.

Мустақилликнинг мобайнида мамлакатимизда олиб борилган ислохотлар, давлат мулкани хусусийлаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган кенг қўламдаги ишлар натижасида бугунги кунда иқтисодийнинг нодавлат сектори деярли барча соҳаларда устувор аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

2005 йилдан бошлаб тадбиркорликка оид кетма-кет қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар барча бизнес субъектларига эркин фаолият юритиши учун кенг йўл очиб беряпти. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентини 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши, уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд тартибидан қўлланилиши бизнес тузилмалар фаолияти эркинлигини таъминлаш қатъий белгилаб қўйилди.

## **2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мансабдор шахсларнинг коррупциявий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги**

Мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ҳақидаги жиноят қонунчилигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари таҳлили бизга бугун амалда бўлган жиноят қонунчилиги илгари мавжуд бўлган қоидаларни қай даражада ўзида мужассамлаштирганини ва улар ўртасидаги тафовутларни аниқлаб олишга имкон беради.

Коррупциявий жиноятларни олдини олишда маъмурий мажбурлаш чораларнинг ҳам аҳамияти ниҳоятда муҳим. Маъмурий ҳуқуқ бўйича жавобгарлик маъмурий мажбурлаш ва маъмурий жавобгарлик тушунчаларини ўз ичига олади.

**Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддасига биноан: «Мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига қараган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.**

Маъмурий коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тоифасига бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни қуйидаги иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

**Биринчиси**, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар:

**Оз миқдорда талон-торож қилиш (61-модда),**

**Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши (193<sup>2</sup>-модда)**

**Иккинчиси**, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси ҳамда нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисига нисбатан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар:

**Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (193<sup>1</sup>-модда),**

**Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (61<sup>1</sup>-модда).**

**Маъмурий жавобгарлик** юридик жавобгарликнинг бир тури. Айбдор фуқаролар, мансабдор шахслар ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилиши тарзида намоён бўлади. Мазкур жазо чоралари давлатнинг ваколатли органлари ва мансабдор шахслари томонидан ўзларига бевосита бўйсунмайдиган ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланилади. Маъмурий жавобгарлик чораларини қўлланиш фуқаронинг судланишига, унинг асосий иш жойидан бўшатилишига сабаб бўлмайди. Маъмурий жавобгарлик чоралари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш деб аталадиган алоҳида тартибда қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади. 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси бу соҳадаги асосий ҳужжат бўлиб, кейинчалик унга талай ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган.

**Маъмурий жазонинг турлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасида белгиланган.**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

**1) жарима;**

**2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйиш;**

**3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;**

**4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;**

**5) маъмурий қамоққа олиш.**

**6) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.**

Ушбу модда биринчи қисмининг 2—6-бандларида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин.

**Маъмурий мажбурлаш**, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, давлат бошқаруви соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, чеклаш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш мақсадида қўлланилади. Маъмурий мажбурлаш шахсларнинг онгига хулқ-атворида моддий, маънавий ва жисмоний таъсир етишни назарда тутади.

### **3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мансабдор шахсларнинг коррупциявий ножўя хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлиги**

Меҳнат муносабатларининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу ички меҳнат тартиби қоидаларининг бўлиши ҳамда унга барча ходимларнинг қатъий риоя қилишидан иборатдир.

Меҳнат интизомининг мазмуни ўзида ходимлар ва иш берувчиларнинг ўзаро мажбуриятларини виждонан ва аниқ бажаришга қаратилган ҳаракатларини ифодалайди. Шундай экан, интизомий жавобгарлик ва интизомий жазолар ҳақида гапиришдан олдин иш берувчилар ва ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари нималардан иборат эканлигини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Ходимнинг мажбуриятлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:**

ўзининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш;

меҳнат интизомига риоя қилиш, иш берувчининг қонунга мувофиқ келадиган фармойишлари ва кўрсатмаларини ўз вақтида ҳамда аниқ бажариш;

меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларга риоя қилиш;

корхонанинг мол-мулкига авайлаб муносабатда бўлиш;

меҳнат жамоасининг аъзолари, корхона миждозлари ва иш жараёнида алоқа қиладиган бошқа шахслар билан хушфёъл муносабатда бўлиш.

Ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши интизомий жазолар қўлланишига сабаб бўлади, интизомий жазо чоралари бошқа жазо турларидан ўзига хос белгилари билан ажралиб туради.

**Интизомий жазо чоралари ва Намунавий ички меҳнат тартиби қоидаларидан ташқари, фақат интизомий жавобгарлик тўғрисидаги қонунлар, интизом тўғрисидаги устав ва низомлар асосидагина белгиланиш мумкин.** Намунавий ички меҳнат тартиби қоидаларининг айрим қоидалари меҳнат ҳақидаги қонунларнинг махсус нормалари ва муайян халқ хўжалиги тармоғи ёки конкрет корхона, муассаса, ташкилотнинг ўзига хос меҳнат шароитларини ҳисобга олган ҳолда тўлдирилиши ва аниқроқ баён этилиши мумкин. Бундай қўшимча ва киритилган аниқликлар кўпроқ ходимлар ва иш берувчининг бурчлари, иш вақти ва ундан фойдаланиш, дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишдаги муваффақиятлар учун рағбатлантириш тўғрисидаги бўлимларга киритилади. Муҳими шундаки, тармоқларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари ва корхоналарнинг ички меҳнат тартиби қоидалари Республиканинг Меҳнат кодекси ҳамда Намунавий ички меҳнат тартиби қоидаларига ва меҳнат ҳақидаги бошқа норматив ҳужжатларга ҳилоф бўлиши мумкин эмас.

#### **Интизомий жавобгарликка тортиш тартиби**

Ўз меҳнат бурчларини қонунга номувофиқ равишда бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айбдор бўлган ходимга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида меҳнат қонунчилиги учун айбдор бўлган ходимга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида меҳнат қонунчилигида интизомий жавобгарлик белгиланган. Интизомий жавобгарликка тортиш учун ходим томонидан содир қилинган интизомга ҳилоф ножўя хатти-ҳаракат асос бўлади.

**Интизомга ҳилоф ножўя ҳаракат** — ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлмайдиган даражада қонунга номувофиқ равишда ўз айби билан бажармаслик ёки нобоп бажаришидир. Ходимнинг номувофиқ хатти-ҳаракати, одатда, улар зиммасига меҳнат шартномаси ёки корхонадаги ички меҳнат тартибини белгиловчи норматив актлар (масалан, ички меҳнат тартиби қоидалари, техника хавфсизлиги қоидалари, мансаблар ҳақидаги инструкциялар, низомлар ва бошқалар) билан юкланган меҳнат вазифаларини бузишда ифодаланади.

Интизомга ҳилоф ножўя хатти-ҳаракат ходимнинг ўз айби билан, яъни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилган ҳаракатидир (ҳаракатсизлигидир). Ходимга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан (малакаси ёки меҳнат лаёқати етарли эмаслиги, тегишли иш шароити таъминланмаганлиги ва ҳ.к. сабаблар) меҳнат вазифасини бажармаслик ёки нобоп бажариш меҳнат интизомини бузиш деб қаралиши мумкин эмас. Интизомга ҳилоф ножўя хатти-ҳаракат учун ходим, одатда, иш берувчи томонидан интизомий жавобгарликка тортилади. Интизомга ҳилоф ножўя хатти-ҳаракат содир қилиш интизомий жазо беришга ёки бошқа таъсир чораларини қўллашга сабаб бўлади, корхона, муассаса, ташкилотга моддий зарар етказилган бўлса, меҳнат ҳуқуқий нормалари бўйича моддий жавобгарликка тортилади. Шу билан бирга зарар етказилишига сабаб бўлган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун ходим интизомий жазога тортилиши ёки тортилмаслигидан қатъий назар зарар ундирилади.

### **МАНЗУ № 8.**

#### **КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ**

- 1. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари**
- 2. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олиш бўйича масъул органларнинг вазифалари**
- 3. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишга қаратилган чоралар**
- 1. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари**

Коррупциявий жиноятларни олдини олиш ва профилактика қилиш аввалам бор шаклланган ҳуқуқий асослари билан белгиланади. Мустақиллик йилларида, айниқса охириги йилларда бу борада аниқ ва салмоқли ишлар амалга оширилди.

Коррупциявий жиноятларни олдини олишда Ўзбекистон Республикасида самарали қонунчилик тизими шаклланмоқда. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишни тартибга солувчи қонунчилик актларини шартли равишда иккита асосий гуруҳ:

**билвосита жиноятчиликни олдини олишга қаратилган қонунчилик актлари ва бевосита коррупцион жиноятларни олдини олишга қаратилган қонунчилик актларига бўлиш мумкин.**

**Билвосита жиноятчиликни олдини олишга қаратилган қонунчилик актлари:**

Жиноятчиликнинг барча шакллари айниқса коррупцион жиноятларни олдини олишда жиноятчилик профилактикаси алоҳида ўрин эгаллайди. Шундан келиб чиқиб, **2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни** қабул қилинди.

Қонуннинг 9-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими белгиланган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимига қуйидагилар киради:

ички ишлар органлари;

прокуратура органлари;

давлат хавфсизлик хизмати органлари;

адлия органлари;

давлат божхона хизмати органлари;

давлат солиқ хизмати органлари;

меҳнат органлари;

таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;

давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари.

Прокуратура органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Қонунда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини амалга ошириш меёрлари белгиланган.

Коррупциявий жиноятлар содир этилиши сабаблардан бири маъмурий органлар ва манфаатдор шахслар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий фаолият етарли даражада тартибга солинмаганлиги ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал этиш ҳамда маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида **2018 йил 8 январьда Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни** қабул қилинди.

Коррупциявий жиноятлар содир этилиши мумкин бўлган соҳалардан бири бу давлат харидларидир. **2018 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонунининг** қабул қилиниши бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади.

Ушбу талабларни бажариш мақсадида **2019 йил 14 январда Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни** қабул қилинди.

Қонуннинг мақсади жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-5618-сон Фармони қабул қилинди.**

## **2. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олиш бўйича масъул органларнинг вазифалари**

**“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига** биноан Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;**

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

Қонуннинг 8-моддасига биноан Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича **Республика идоралараро комиссияси** ташкил этилди. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қонуннинг 9-моддасида **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг** коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил қилишни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишга қаратилган чоралар**

Коррупциявий жиноятларни олдини олиш ва профилактика қилиш самарадорлиги ушбу турдаги жиноятлар содир этилишини ўрганиш ҳамда уларни келтириб чиқарувчи омилларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ.

Коррупциявий жиноятлар содир этилишининг омиллари жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан у ёки бу даражада бевосита ёки билвосита боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам коррупциянинг асосий омилларини шартли равишда қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) иқтисодий-ижтимоий омиллар;**
- 2) маънавий-руҳий омиллар;**
- 3) ташкилий-бошқарув ва ҳуқуқий омилларга ажратган ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.**

Криминологик адабиёт, оммавий ахборот воситаларининг материалларини таҳлил қилиш ва ўтказилган тадқиқотлар асосида ҳозирги кунда коррупцияни озиқлантирувчи кенг тарқалган омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) ижтимоий-иқтисодий омиллар:**
  - давлат ҳокимияти органларининг иқтисодий субъектлар фаолиятига ўринсиз аралашиши;

- солиқ ва бож тўловларини белгилаш тизимининг такомиллашмаганлиги;
- «хуфиёна» иқтисодиётнинг мавжудлиги;
- «баҳо»ларнинг ўсиб бориши ва пулнинг қадрсизланиши;
- ишсизлик муаммосининг кучайиб бориши;
- аҳоли ўртасида табақаланишнинг кучайиб бориши;

- 2) маънавий-руҳий омиллар:**
  - жамиятда, айниқса давлат бошқарув тизимида адолатсизликнинг мавжудлиги;
  - тўрачилик ва маҳаллийчиликнинг мавжудлиги;
  - жамиятда қариндош-уруғчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг салбий томонлари кучайиб бориши;

- аҳоли айрим қисмининг тафаккурида манқуртлик (тобелик) хислатларининг сақланиб келаётганлиги;

- аҳоли, айниқса ёшларнинг ўртасида лоқайдлик, боқимандалик, текинхўрлик каби хислатларнинг кенг тарқалиб бориши;

- аҳолининг, айниқса ёшларнинг муайян қисми ўртасида молпарастлик ва ғаразгўйлик хислатларининг кучайиб бориши;

- жамиятда зўрликни, ахлоқсизликни ва жиноий йўллар билан орттирилган бойлик ҳисобига «дабдабали» ҳаёт кечиритишни тарғиб-ташвиқ қилувчи манбаларининг кенг кўламда ёйилиши;

- аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг паст даражадалиги ва ҳ. к.;

- 3) ташкилий ва бошқарув соҳаларидаги омиллар:**
  - ҳокимият институтлари фаолиятининг самарасизлиги;
  - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосан давлат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги;

- коррупцияга қарши курашда ҳуқуқий асосларнинг етарли эмаслиги ҳамда бу соҳада ҳуқуқий тизимнинг такомиллашмаганлиги;

- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги суиистеъмолчиликлар;

- коррупцияга қарши кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ҳал этилмаганлиги ҳамда улар функциялари чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги;

- давлат хизматини ташкил этиш ва назорат қилиш тизимининг такомиллашмаганлиги ҳамда қонун даражасида ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги;

- иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини асосланмаган ҳолда чеклашларнинг мавжудлиги;

- иқтисодий субъектларнинг молиявий ва хўжалик фаолиятига давлатнинг, айниқса маҳаллий давлат органларининг аралашувига йўл қўйилаётганлиги;

- фуқаролик жамияти институтларининг кучсизлиги; демократик анъаналарнинг ривожланмаганлиги;

- суд тизими фаолиятининг сустлиги.

Ўтказилган тадқиқотлар ва жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, коррупциялашган уюшган жиноий тузилмалар фаолияти ва улар содир этаётган жиноятларнинг олдини олиш жиноий жавобгарликни таъминлаш доирасидан четга чиқади ҳамда жамиятда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, тарбиявий ва ҳуқуқий тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади. Лекин ҳозирги кунда бундай тадбирлар тизимини амалга ошириш учун керакли куч, маблағ, шарт-шароит ва, энг асосийси, кадрларнинг тайёргарлиги етарли даражада эмас.

**“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-боби Коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар масалаларига қаратилган.**

**Қонуннинг 19-моддасида Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар тизими белгиланган.**

**Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:**

давлат органлари фаолиятининг очиклигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

давлат органларининг ва улар ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;

давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгиловчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш;

давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш;

давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиклик, беғаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш;

давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш;

давлат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ушбу органлар томонидан кўрилатган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунтазам равишда мониторинг ўтказиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш.

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ЎҚУВ ПРЕДМЕТИНИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

### **4. Машғулот ўтказиш услуги:**

Якуний назорат тест усули, оғзаки (сўров) ёхуд ёзма иш шаклида ўтказилади.

### **5. Маъруза машғулотларни ташкил этиш буйича курсатма ва тавсиялар**

Маъруза - ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

йўналтирилганлик - тингловчиларни ўқув материалнинг асосий ҳолатларига, уни келгуси иш фаолятидаги ўрни ва аҳамиятига диққат қилшларига имкон беради;

ахборотлилик - ўқитувчи маъруза вақтида ҳолат, асосий илмий далиллар ва хулосалар моҳиятини очиқ беради;

тарбияловчанлик - маъруза ўқув материалга ҳиссий баҳолаш муносабатида бўлишни уйғотиш;

ривожлантирувчилик - билим олиш қизиқишларини, яъни мантиқий фикрлаш ва исботлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Маъруза машғулотлари мультимедиа қурулмалари билан жихозланган аудиторияда академик гуруҳлар оқими учун ўтилади.

### **6. Семинар машғулотларни ташкил этиш буйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотлари - ўқув курсининг асосий мавзулари буйича ўтказилади ва тингловчилар ўртасида маъруза ҳамда мустақил иш жараёнида олинган билимларни текшириш, чуқурлаштириш, мустақамлашни, материални мустақил равишда ўзлаштиришга кўмаклашишни, шунингдек, тингловчиларга материални баён қилиш, баҳс олиб бориш кўникмалар беришни мақсад қилиб олади.

Семинар машғулотлари давомида тингловчилар курсининг асосий қоидалари ҳақидаги назарий билимларга эга бўлишлари керак, амалий уларини тўғри қўллашни билишлари, аниқ ҳолатларига нисбатан жиноят ҳуқуқи нормаларини ҳуқуқий жихатдан саводли талқин қилиш кўникмаларига эга бўлишлари керак.

Тингловчилар семинар машғулотига тайёрланиш жараёнида мавзуга оид илмий адабиётлар, қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилган ҳолда ҳар бир муайян машғулотлар буйича тавсия этилган саволларга ёзма равишда жавоб ёзишлари лозим.

Семинар машғулотлари зарур жихозлар билан жихозланган аудиторияда ҳар бир академик гуруҳга алоҳида ўтилади. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилади. Кўрғазмали материаллар ва ахборотлар мультимедиа қурилмалари ёрдамида узатилади.

### **7. Мустақил таълим мазмуни**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва семинар машғулотларида олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу буйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Мустақил таълимда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади: муаммоли ҳолатларни ечиш, рефератлар, илмий маърузалар, маълумотномалар ёзиш, мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг мавзуга оид илмий ишларида ақс этган асосий қоидаларни ўрганиш ва конспект қилиш.

### **8. Ўқитишда фойдаланиладиган замонавий педагогик ва ахборот технологиялар**

Ўқув предмети доирасида назарий ва амалий машғулотлар ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

**Ўқитиш жараёнида таълимнинг ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, муаммоли вазият, баҳс-мунозара, суҳбат, муҳокама, дебат, пинборд, тадқиқот, бошқаларни ўқитиш орқали ўрганиш каби замонавий методларидан фойдаланилади.**

Таълим жараёнига интерфаол, инновацион, ўқув ва ахборот технологияларини қўллашга эътибор кундан - кунга ортиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири, шу кунгача анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган, ривожлантирувчи таълимда эса билимларни ўрганувчиларнинг ўзлари мустақил излаб топиш, мустақил ўқиб таҳлил қила олиш, хулосаларини ҳам ўқувчиларнинг ўзлари келтириб чиқариб талаб қилинишидадир.

Бу мақсадга эришишда анъанавий методлардан фойдаланиш қутилган натижаларини бермаслиги мумкин. Шу сабабдан ўқитувчи инновацион технологияларни ўзлаштириб олиши ва улардан дарс жараёнида самарали фойдаланиши талаб қилинмоқда.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритишни назарда тутиб, ўқитувчи инновацион фаолиятининг самараси сифатида намоён бўлади ва уни амалга оширишда интерфаол методлардан тўла фойдаланиш лозим.

Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар педагог ва ўқувчиларнинг биргаликда ҳаракат қилиши, бирга фаолият кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Маълумки ҳар бир машғулот, фан ёки мавзунини ўрганишда ўзига хос технология, метод ва воситаларни танлаш ва фойдаланишга тўғри келади.

Ўқитиш жараёнида юқори натижага эришиш учун машғулот жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур. Машғулот олиб боровчи ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиши ва уни тасаввур этиш учун ҳам бўлажак дарс жараёни лойиҳаланиши керак. Бунда машғулотнинг технологик харитасини туза олиш жуда муҳимдир, чунки машғулотнинг технологик харитаси машғулотнинг қизиқарли бўлиши учун асосий восита ҳисоланади ва машғулотда ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билимларнинг кафолатланишига ёрдам беради.

Машғулот жараёнига тайёрлашда ўқувчиларнинг кичик ёки катта гуруҳларда машғулотларни ўтказишларига эътибор қаратиш лозим. Ўқувчиларга жисмонан қулай шароит яратилиши керак. Ўқувчилар кичик гуруҳ билан осон муносабатда бўлиши лозим.

Ижодий иш учун материаллар олдиндан тайёрланган бўлса, таълим сифатини кўтарилиб боришига кўмаклашади.

Машғулотларда жараён ва регламентга жиддий ёндошиш лозим. Бу ҳақда бошидан келишиб олиш керак ва уни бузмаслик керак. Масалан, ҳамма ўқувчилар ҳар бир нуқтаи назарга сабрли бўлиб, сўз эркинлигини, унинг қадрини ҳурмат қилиш керак.

Ўқувчиларни гуруҳларга бўлинишига жиддий эътибор бериб, уни ўзи хоҳишига кўра қуриш керак. Кейин тасодифан танлаш принциpidан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўқувчиларнинг психологик тайёргарлигига кўмаклашиш лозим. Гап шундаки, машғулотга келганларнинг ҳаммаси ҳам у ёки бу иш шаклига бевосита киришишга психологик тайёр эмаслар. Бунга маълум даражада хулқининг анъанавийлиги таъсир кўрсатади. Бу борада машқ қилишлар, ўқувчиларнинг ишда фаол иштирокчлари учун доимий рағбатлантиришлар, ўқувчининг ўзини намоён этиш учун имконият яратиш фойдали бўлади.

Машғулотларда турли методлардан фойдаланганда гуруҳда ўқувчилар сони кўп бўлмаслиги керак. Иштирокчилар сони ва ўқитиш сифати бир-бирига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Одатда агарда қатнашчилар сони 30 кишидан ошмасагина, иш самарали бўлади. Фақат шу шарт бажарилганда оптимал таркиби 4-6 кишидан иборат, кичик гуруҳларда маҳсулдор иш олиб бориш мумкин.

Машғулотларни ташкил этиб боришда ўқитувчиларга қуйидаги таълим мақсадлари тавсия қилинади:

- Таълимнинг ҳар бир алоҳида қисми якунида, иштирокчиларни айнан нимага ўқитишни хоҳлашингизни аниқлаб олиш керак;

- Мавжуд таълим мақсадлари таърифларига ижодий ёндашиш лозим;
- Иштирокчилар учун тушунарли тилда гапириш керак;
- Таълим мақсадлари дастурингизнинг “йўл давомида босқичлар” вазифасини бажариши керак.
- “Нима учун” деган саволга жавоб беришга тайёр бўлиш лозим;
- “Буни мен учун қандай фойдаси бор?” деган саволга жавобларни тайёрлаб қўйиш лозим;
- Бажара олмайдиган ишларни ваъда бермаслик лозим. Ҳар бир мақсадни, ўлчаш мумкин бўлган бирор-бир иш ёки вазифа билан боғлаш муҳим аҳамият касб этади;
- Баҳолаш мезонларини олдиндан ўйлаб қўйиш керак. Қандай қилиб ўлчаш мумкинлигини тушуниш осон бўлса, мақсадларни таърифлашни бошлаш мумкин;
- Тахминлар қисқа бўлиши керак. иштирокчилар, ҳар бир мақсад мазмуни нима эканлигини бир неча бор ўқиш ёки ўйлаб ўтириш заруратисиз англаб олишлари мумкин бўлиши муҳим ҳисобланади;
- машғулот давомида мақсадларни мисоллар орқали ифода этиш мумкин.
- Мақсад таърифларини олдиндан текшириш. Мақсадларни етарли даражада равшан қилиб тушунтирганингизга ишонч ҳосил қилиш учун, гуруҳ иштирокчиларига қуйидаги саволни беринг: “Бу ерда нима ҳақида гап кетмоқда?”. Шунингдек, мақсадларингиз таърифини ҳамкасбларингизда синаб кўринг;
- Баҳолаш учун бирор-бир вазифа ёки савол, у белгиланган мақсадлар билан боғлиқ бўлмаса, ишлаб чиқилмаслиги керак. Бирор-бир вазифа учун баҳо қўйишга етарли асос мавжуд бўлса, иштирокчилар, бу нарса ўқув дастурига кўзланган-кўзланмаганлигини кўришга ҳақлидирлар;
- Таълимнинг бошланғич босқичида белгиланган мақсадлар, бундан кейин ҳеч ҳам кўриб чиқилмайдиган вазият вужудга келишига йўл қўймаслик керак. Таълимнинг ҳар бир бўлими сўнгида, уларга қайтиб такрорлаш муҳим ҳисобланади.

## 9. Ўқитиш метод ва усуллари таснифи

Ўқитиш методлари ва усуллари орқали ўқитувчининг ўқитиши ва ўқувчиларнинг ўрганиши ёки билиш фаолияти ташкил этилади.

**Метод** юнонча “metodos” сўздан олинган бўлиб, изланиш, билиш йўли, назария, таълимот, бирор нарсага йўл маъносини англатади. Аниқ вазифани ечишга бўйсундирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш йўллариининг йиғиндисидир. Шунингдек, мақсадга эришишнинг аниқ, қисқа ва мақбул йўли ҳисобланади.

Метод- тадқиқотлар жараёнида аниқ мақсадга олиб боровчи усуллар ва жараёнлар йиғиндисидан иборат. Ўқитиш методи эса таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълум мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолият усуллари ёки таълимда мақсадга эришиш, масалаларни ҳал қилиш йўллари, усуллари тушунилади.

Ўқитиш методи таркибида усуллар алоҳида ажралиб туради.

**Усул** – методнинг таркибий қисми, методни амалга оширишда бир мартагина қўлланиладиган ва алоҳида қадам ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ўқитиш методлари ҳар иккала фаолиятнинг, яъни ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш ҳамда ўқувчилар томонидан ўша назарда тутилган илмий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида қўлланиладиган усулларни ўз ичига олади.

**Ўқитиш методлари**-ўқитувчининг фаол фикрлаши асосида ўқувчиларни ўқитишга, ўқувчиларнинг илмий билимларни ўзлаштириши ва амалда қўллай билишларига, дунёқараш ва эътиқод ҳосил қилишларига, ақлий ва жисмоний меҳнат, кўникма ва малакаларини эгаллашларига, билиш ва ижодий қобилиятлари ўсишига ёрдам беришни таъминловчи усулларидан иборатдир.

Ўқитиш методларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) **оғзаки ўқитиш методи**, (ҳикоя, монолог, диалог, суҳбат, сюжетли ҳикоя, таҳлил қилиб тушунтириш, ҳуқуфий манбалар билан ишлаш; тегишли адабиётлар, халқаро шартномаларни изоҳлаш) бу метод ўз навбатида икки турга бўлинади:

2) **кўрсатмали таълим методи** (жадваллар, шартли-график иллюстрациятив кўргазмалилик, маълумотлар таҳлили, расм, таҳлиллар билан ишлаш);

3) **таълимнинг амалий методи** (йўл хариталар тўзиш, машқ бажариш, ўқув топшириқларини ёзма тайёрлаш).

**Оғзаки баён методи** – ўқитувчининг хотирасига мўлжаллаб ташкил этилади, тузилиш жиҳатидан уларнинг таркиби бир хил: ўқитувчи тушунтиради, ўқувчилар тинглайдилар.

**Ҳикоя.** Баён шаклидаги ҳикояда ўқитувчи ўқув материали мазмунини турлича айтади, унинг асосий ва иккинчи даражали хусусиятларини изоҳлайди.

**Маъруза.** Маъруза кенг фойдаланадиган таълим усули бўлиб, унда ўзаро таъсир ўқитувчининг баёни ва тингловчиларнинг эшитиши, айрим омиллар, асосий ғоя ва боғланишларни ёзиб олиш шаклида амал қилади. Маъруза учун вақт ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси, ўқув материали ҳажмига кўра белгиланади.

Маъруза жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш мақсадида ўқитувчи ўз нутқини кўрсатмали қурол, муаммо ва топшириқлар билан уйғунлаштиради.

Ўқув материалига оид ибораларга изоҳ бериш, айрим ўринларда ўқувчиларнинг ўзларига хулоса чиқаришни таклиф этиш ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятининг самарасини оширади.

**Суҳбат.** Суҳбат ўқитувчи ўқувчининг ўзаро таъсири диалог шаклидаги таълим методидир. Унда мавзу мазмунига хос, атрофлича ўйланган, бирбирига боғлиқ саволларни қўйиш ва саволларга жавоб излаш ҳамда жавоб қайтариш йўллари билан ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ўзаро мувофиқлашади. Суҳбат эвристик ҳам бўлади. Яъни, бунда ўқувчиларнинг тафаккурига мўлжалланган усул бўлиб, унда ўзаро таъсир ўқитувчи саволлари ўқувчиларнинг жавоблари шаклида амалга оширилади. Эвристик суҳбат илмий-дидактик тадқиқотларда “изланиш суҳбати” деб ҳам юритилади. Эвристик суҳбатнинг қатор ижобий томонлари бўлиб, ижодий йўл билан ўқув материалини ўрганиш, ўзлаштиришнинг индивидуал характер касб этиши.

**Кўрсатмали метод.** Фақат оғзаки баён методли дарсда материалларни ўзлаштириш кўрсаткичи 10%, бўлган шароитда дарс ўтиш самарасиз бўлади. Машғулотларда ўқув материални кўргазмали шаклда тақдим этиш лозим. Айниқса анъанавий дидактик материаллардан ташқари замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда намоёйишли (компьютер ва ахборот коммуникация технологиялари) кўрсатмалилик бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Кўрсатмалилик дидактикада энг асосий қоида бўлиб, унинг ёрдамида кўрув ўқуви ва тафаккур ўзаро уйғунлашади. Кўрсатмали методлар эшитиш ва кўришни ўзаро уйғунлаштириш воситаси ҳисобланади. Шу туфайли ундан билимларни оғзаки баён қилиш методлари билан ёнма-ён фойдаланиш таълимнинг самарадорлигини оширади.

Кўрсатмали методнинг қуйидаги турлари мавжуд:

**Изоҳлаш (иллюстрация) методи** – (матндан бошқа барча компонентлар) расмлар, чизмалар, жадваллар, схемалар, диаграммалар, доскадаги ёзувларга диққатни тортиш.

**Намоёйиш (демонстрация) методи** – проектор, АКТ ва бошқа видеотасвирлардан фойдаланиб турли тасвирларни намоёйиш қилиш.

**Табий кўрсатмали қуроллар** – нарсаларнинг ўзи, предмет, муляж, макетлар, ва бошқаларни кўрсатиш.

Кўрсатмалилик деганда, аввало ўқитиш ва билимларнинг ўрганишнинг кўрсатмали усули, ўқитувчи баёнининг манбаи ва уни кўрсатмали бўлиши, унинг ўқувчилардаги аниқ, тайёр образларга суяна билиши, ўқув воситаси материални баён қилиш вақтида кўрсатмали қуроллардан фойдаланиш ва кўрсатмали қуроллар воситасида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ҳамда уларнинг ўрганилаётган тарихий фактларни, воқеа ва ҳодисаларни айнан ўзини ёки уларнинг тасвирларини кўриш ёрдамида ўрганишлари тушунилади.

Машғулотларда таълимнинг техника воситаларидан фойдаланиш дарсинг самарадорлигини оширади. Таълимнинг техника воситалари ўқитиш ва ўрганиш сифатини кўтаришга ўқувчиларнинг ўқув материални қизиқиб ўрганишига ва пухта ўзлаштиришига хизмат қилади.

**Амалий метод.** Таълимнинг амалий методида ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсири болалар олдида қўйиладиган топшириқлар ҳамда уларни қабул қилиш шаклида амал қилади:

Амалий методнинг қуйидаги турлари мавжуд:

**1. Лаборатория** – тажрибасида турли ўқув топшириқларни амалда бажариш. Ўқувчилар турли меҳнат курулларидан флипчарт, маркер, қайчи, чизгич, ва бошқалардан фойдаланиб, чизиш, қирқиш, елимлаш, ўлчаш каби ишларни бажарадилар.

**2. Машқ** – ўрганилган билимларни турли ўқув шароитларига татбиқ этиш йўлидир. Машқ воситасида турли малакалар – интеллектуал ва ақлий малакалар таркиб топтиради.

Кейинги йилларда, таълим тизими амалиётида ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш, асосий тушунчаларни, жумладан ижтимоий ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги тушунчаларни чуқур ўзлаштиришни таъминлайдиган ўқитиш ва ўрганишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди.

### Метод турлари

**Интерфаол методлар** вербал (сўз орқали) ва новербал (жест, мимика, ҳаракат) турларга бўлинади.

#### Вербал методлар:

- саволлар беришни билиш;
- машғулот вақтида ўз нуқтаи назарини айтишга, ўқитувчининг шахсий позициясини намоён этишга имкон беради;
- таҳлил ва ўзини таҳлил қилишга тайёргарлик;
- машғулотни қайд қилиб бориш.

Мутахассисларнинг тадқиқотлари натижаларига кўра, интерфаол методлар ўзлаштириш фоизини кенгайтиради, таълим самарадорлигини оширади. Интерфаол методлар нафақат ўқувчилар онгини фаоллаштиради, балки уларнинг ҳиссиёти ва иродасини ҳам ривожлантиради.

#### НOVERBAL методлар:

**Визуал (кўз билан ифодалаш),** тана ҳолати, тана ҳаракати. Масалан, визуал алоқа бошловчи ва иштирокчилар ўртасидаги тўсиқни бартараф этади. Тана ҳолати бошловчи фаолиятини тўлдиради, қулай вазият яратишга ёрдам беради. ҳаракат ва юз ифодаси бошловчининг ҳиссиёти ва унинг шижоатини ифодалайди.

**Акустик:** интонация (овоз баландлиги, темп), сўзлашда пауза қилиш. Нутқ ифодали бўлса, иштирокчилар қизиқиши ортади. Сўзлашда пауза қилиш нутқнинг чиройли чиқишига, тушунарли эшитишга ва ўйлашга имкон беради. Охангнинг турличалиги ҳиссиётни ифодалайди ва аниқлик киритади.

Машғулотларда қуйидаги воситалардан фойдаланилади:

моддий-услубий воситалар - тақдимот учун проектр ва netbook, доска (флипчарт), маркер, ватман ва бошқалар;

ўқув-услубий воситалар – презентация, тарқатма материаллар, меъёрий ҳужжатлар, тест ва сўровномалар, вазифа ва топшириқлар, ахборот ресурсларига доир маълумот ва бошқалар.

## 10. Интерфаол дарсларда ўқувчиларнинг билув фаолиятларини ташкил этиш йўллари

Интерфаол дарсларда ўқув-билув фаолиятини гуруҳларда ташкил этишнинг ўзига хосликлари мавжуд:

- Бу шаклда малака ошираётган ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳга аниқ, алоҳида вазибалар берилади.
- Ҳар бир гуруҳ алоҳида (яъни бир хил ёки табақалашган) топшириқлар устида ишлайди.

- Топширик ўзаро мулоқотга асосланади ёки бирор етакчи раҳбарлигида ташкил этилади.
- Гуруҳларда топширик шундай амалга ошириладики, машғулот якунида ҳар бир иштирокчи ёки гуруҳ аъзосининг қанчалик хисса қўшганини ҳисобга олинади.
- Гуруҳ таркиби доимий бўлмаслиги мумкин, улар шундай гуруҳ аъзосига ўзининг максимал хиссасини қўшиш имконияти яратилади.
- Гуруҳлар турли катталиқда шакллантирилиши мумкин. Одатда гуруҳларда 4-6 нафар аъзо иштирок этади.

Унинг таркибига бериладиган топшириқларнинг мазмуни ва характерига қараб ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Гуруҳни шундай шакллантириш керакки, ҳар бир гуруҳ таркибида мустақил ишлаш кўникмаларига эга бўлган ўқувчиларнинг бўлиши кутилган натижалар беради.

Гуруҳли ўқув-билув ишларини ташкил этишда айрим ўқувчиларнинг индивидуал ёрдамга муҳтожликлари сезилади. Шундай вазиятларда ўқитувчи тайёргарлик даражаси юқори бўлмаган ўқувчиларга ёрдам бериб бориши мақсадга мувофиқ.

Гуруҳли ўқув-билув фаолияти лаборатория ишлари, амалий машғулотлар, табиий фанлардан ташкил этилган амалиёт, нутқ ўстириш машғулотлари (диалог) маърузаларни ўзлаштириш, тарихий материалларни ўрганиш дарсларда жуда қўл келади. Бу ҳолатларда гуруҳларда ўзаро мулоқот ўрнатиш, мустақил ишлаш яхши натижа беради.

Гуруҳли ўқув-билув фаолияти яна ўқув-мавзувий конференциялар, мунозара, мушоира, дебат, савол-жавоб, маълум мавзудаги кичик маърузалар, қўшимча машғулотлар, ўқув дастурларидан ташқари мавзуларни ўрганишда ҳам жуда қўл келади.

Бундай ўқув-билув фаолиятида гуруҳ аъзолари жуда фаоллик кўрсатадилар, ўз фикр, позицияларини ҳимоя қилиш кўникмалари шаклланади. Гуруҳ ҳамкорлигида, кучли ўқувчилар кучсиз ўқувчига ёрдам бериш билан уларни қўллаб қувватлайди, гуруҳда ҳам ижодкорлик вужудга келади. Гуруҳли ўқув-билув фаолиятини ташкил этишда гуруҳ аъзолари орасида вазифалар аниқ тасдиқланса, ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилса, самарали натижалар беради. Ўқувчиларни ўқув-билув фаолиятини гуруҳни ташкил этишда қуйидаги элементлар ҳисобга олинмоғи зарур.

1. Ўқувчиларни гуруҳларда ишлашга тайёрлаш, ўқув топшириқларини аниқ қўшиш, гуруҳда ишлаш бўйича тушунча бериш, регламент ўрнатиш.

2. Ўқув топшириқларини бажариш бўйича режа тузиш, уни муҳокама этиш. Уни ҳал этиш йўллари аниқлаш ва ишни олиб бориш бўйича ўзаро вазифаларни тақсимлаш.

3. Ўқув топшириқларини бажариш бўйича ишни ташкил эта олиш.

4. Гуруҳдаги ишни ташкил этишда иш жараёни ва аъзолар иш жойларини кузатиш ва зарур ҳолларда ёрдамга келиш.

5. Гуруҳларда топшириқларни бажариш натижалари бўйича ахборот бериш, синфда мунозаралар ўтказиш, иш жараёнини боришига қўшимча ва тузатишлар киритиб бориш. Ўқитувчи томонидан ишнинг натижалари бўйича хулосалар чиқариш ва якун ясаш.

6. Гуруҳда топшириқларни бажариш жараёнида ўзаро текширув ва назорат олиб боришни йўлга қўйиш.

7. Ҳар бир гуруҳнинг иш натижаларига, синф ишига таҳлилий баҳолар бериш.

Гуруҳ ишининг муваффақиятли чиқиш ўқитувчининг ўқув фаолиятини ташкил эта олиш ҳаракати, маҳоратига боғлиқ.

Яъни ўқитувчи гуруҳда иштирок этаётган ҳар бир ўқувчининг шахсий фаолиятини ташкил эта олиш, ҳар бир ўқувчи ўқитувчи кўмагини олиши, ишнинг бориши билан пировард натижани муваффақиятли кўрсата олишга боғлиқ. Гуруҳлар ишини ўқув-билув жараёнида ташкил этишда бир қатор камчиликлар содир бўлиши мумкин. Қийинчиликлардан бири гуруҳларни тўғри мақсадли шакллантира олиш ва унда ишни ташкил эта олинишидир.

Гуруҳларда ишлаш жараёнида ўқувчилар айрим қийин топшириқларни мустақил ечишга қийналадилар. Шу сабабли гуруҳларда ишни ташкил қилишда умумий ишни ташкил этиш билан бир вақтда индивидуал ишларни ҳам ташкил этишга тўғри келади. Бундай ҳолларда кўпинча яхши натижаларга эришиш мумкин. Умуман ўқув предметлари бўйича бериладиган

топширикларнинг қийинчилик даражасига қараб гуруҳда ижодий муҳит яратилади. Гуруҳларда ишлаш даврида ўқувчи, ўқувчи-ўқувчи орасида ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам муҳити ўрнатилса, гуруҳлар иши кутилган натижаларни беради.

**Тренинг.** Интерфаол методларда ишлаш ва ўша шароитларда ишлаш малакаларини ҳосил қилиш учун тренинглар ташкил этилади. Тренингда иштирок этувчилар маълум бўлган методларни ўз ўқув фаолиятларида фойдаланиш учун малака ва кўникмаларни ҳосил қиладилар. Тренинглар давомида мавжуд бўлган янги методлар муҳокама қилинади, ўрганилади, кўникмалар ҳосил қилинади. Ўзлари шу асосида янгича ишлаш фаолиятини ўрганадилар.

Умуман тренинглар кўшимча таълим олишнинг асосий формаларидандир. Тренингнинг ўзига хослиги шундаки, мутахассисни ўз фаолиятини, қобилиятини оширишга йўналтирилган бўлади. Ўқитувчи ўз ўқув-билув фаолиятида вақтдан унумли фойдаланишни, мустақил иш юритишни, қарорлар қабул қилишни ўрганадилар.

Мутахассислар тренингни тўрт гуруҳга бўлишни тавсия этадилар.

- ўз фаолиятини ташкил этувчи машғулотлар;
- команда бўлиб ишлашга тайёрланиш;
- бошқаларни ўқитиш кўникмасини олиш;
- кўшимча таълим олувчи эҳтиёжни қондириш;

**Биринчидан**, “Шу ерда ва ҳозир” қоидаси, гуруҳни ташкил этиш momentiда қоида, фикр, мулоҳазалар, жараён кечиши ҳисобга олиниши керак. Шу йўсинда ҳар бир иштирокчининг диққат эътиборини шахсан ўзига ва атрофида кечаётган воқеаларга торта олиш, иштирокчи ўзини қандай тута олиши, кўрсата олишига эътибор қаратилиши керак.

**Иккинчидан**, “Самимият ва очикчасига” қоидаси, шунга эриша олиш керакки, гуруҳ аъзолари кўзбўямачилик ва ёлғондан холи бўлишлари шарт, гуруҳдаги шахсларни ўзига ишончи ва соғлом вазиятнинг мақсадли боришига туртки бўлади. Бундай муҳитни яратиш шахслар орасидаги мулоқотнинг самарали кечишини таъминлайди. Албатта гуруҳларда бошлангандан бундай вазиятни ҳосил қилиш мумкин. Ҳар доим ҳам гуруҳларда ишни ташкил этишда бир-бирини қўллаш, ҳайри ҳоҳлик, очикчасига самимий фикр билдириш имкониятлари бўлавермайди. Бундай ҳолда тренер ҳар бир иштирокчининг ҳимояланганлиги, очикчасига ўз фикрини баён эта олишга муҳит яратиши керак. Шундагина гуруҳ иштирокчиси мулоқот жараёнида ўзи ўйлаган, айтиши мумкин бўлган фикрни ўша захотиёқ, ўз вақтида айтади, билдиради,

**Учинчидан**, “Мен” қоидаси, гуруҳларда ҳаммининг фикри ундоқ ёки бундоқ деб айтиш ман этилади. Фикрлар фақат айрим шахслар томонидан, унинг ўз номидан фикр-мулоҳазалари алоҳида-алоҳида билдирилиши керак. Бунда билдирилаётган фикр ёки ғоя шахс масъулиятига юкланади. У қандай бўлса шундай қабул қилинади. Шу йўсинда гуруҳда ҳар бир шахснинг роли ва ўрни бўлишига эришилади.

**Тўртинчидан**, “Фаоллик қоидаси”, гуруҳ ишида пассив кузатувчи бўлмаслиги керак. Топшиқлар ечимида ҳамма қатнашчилар шахсан иштирок этиши зарур. Агар гуруҳ аъзоларидан бирортаси фаол қатнашишдан бош тортса, уни келгуси ишда қатнашиши ёки қатнашмаслигини кўриб чиқишга тўғри келади.

**Бешинчидан**, “Гуруҳда нима содир бўлса ўз жойида қолиш” қоидаси, гуруҳда этик талаблар, руҳий ҳолатларни вужудга келтириш учун гуруҳда содир бўладиган ноўрин, нотўғри фикрлар танқид остига олинмаслиги, муҳокама қилинмаслиги жуда муҳимдир. Нимаики айтилса ва гапирилса гуруҳда қолиб кетиши керак.

Тренингни ташкил этиш ва ўтказишда шундай методлар мавжудки улар универсал характерга эга. Масалан, гуруҳий мунозаралар, ўйин асосидаги методлар, вазиятларни модуллаштириш, инсон сезгиларини ривожлантириш техникалари, медиатив техникалар ва бошқалардир.

Лекин бирор мақсадни кўзда тутадиган тренингларнинг ўзига хос методлари ҳам мавжуд.

**Гуруҳли-мунозара** бу метод муаммоли саволларни ҳамкорликда муҳокама этишда қатнашчиларни назарий ва стратегиялари асосида кечади. Бундай методлар масаланинг

ечимига турли томонлардан қарашга мўлжалланади, масалани ечимига ҳар бир иштирокчи алоҳида фикр билдиради ва шулар асосида қандайдир ечимга олиб келинади. Тренер мунозарани турли саволларни қўйиш асосида бошқаради ва уларни ечими сари бошлайди. Агар гуруҳ аъзолари бирор саволни ўртага ташласалар, бошқарувчисиз ўзлари ечимини излаб топишлари ҳам мумкин. Бирорта таълим ташкилотида командани ташкил этиш мақсад қилиб олиши ҳам мумкин.

Тренинг қоидани ташкил этиш бўйича мунозара ўтказиш билан бошланиши, команда деганда нимани тушунилади, команданинг шаклланиши қайси мезонлар асосида шакллантирилади каби саволлар муҳокамаси билан яқунланиши мумкин. Бунда команданинг шаклланиши турлича бўлиши мумкин. Шундай гуруҳлар шаклланиши мумкинки улар шахсий таркибда самарали ишлашни ёқлаб чиқишлари мумкин. Бундай мунозаралар команда тузишда диагностика ролини ўйнаши ва тренинг олдида аниқ мақсадларни қўйишга ёрдам бериши мумкин.

Тренинг ўтказишнинг дидактик вазияти, ижодкорлик, фаолиятини ташкил этиш, имитция, ишчанлик, ўйинли методларга бўлиши мумкин.

Тренингларни ўйинли методлар билан ўтказилиши жуда сермахсул йўлдир. Гуруҳларда ишлаш жараёнида иштирокчиларни ўзаро таништириш, ўйинлари улар орасида тортишиш зўриқишларнинг олдини олиш, ўзини руҳий ҳимоялашда катта рол ўйнайди. Ўйин фаолиятини ташкил этиш гуруҳ аъзолари орасида қийинчилик, мулоқотларни олиб боришдаги психологик ҳолатларни яхшилади. Тренинг самарали кечиши, янги кўникмаларни эгаллаш, касбий маҳоратларни олиш, ижодий фаолиятнинг ривожланишига олиб келади. Тортинчокликдан ҳоли бўлиш, очиқ-ойдин фикр айтиш ҳолатларига олиб келади.

**Вазиятларни моделлаштириш.** Тренинглар жараёнида иштирокчиларнинг ўзини қандай тутиши, қандай бир қолипдаги ҳулқи билан иштирок этилаётганлигини тушиниш, кузатилишга тўғри келади. Вазиятни моделлаштиришда иштирок этувчи жараённинг боришида ўзига фойда ёки зиён келтирадиган ҳолатларини кўра билиш, кузатиш ва таҳлил қилиш орқали энг қулай томонларини ажрата билиши зарур.

**Сенсорик сезгиликни ривожлантириш техникаси.** Бу сезгирлик орқали иштирокчилар бошқа иштирокчинини қабул қила олиши, тушиниши, сезиши ва баҳолашга ўрганадилар, ўзини-ўзлигини, гуруҳни тушуниб борадилар. Махсус машқлар орқали, вербал ва новербал ахборотларни олиш орқали, бошқа одамлар уни қандай қабул қилаётганликларини билиш орқали иштирокчи ўз қарашига эга бўлади, ташқи қиёфадан шахсий қарашлар шаклланишини тушуниб боради.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, тренингда методлар қуйидагича бўлиши мумкин. Команда бўлиб ишлаш, кичик гуруҳларга бўлиниб ишлаш, ролли ўйинлар, мини маърузалар (15-минутгача), улар тренинг аъзоларига ўқув-методик қўлланма материаллар тарқатиш орқали амалга оширилади.

**Тренингларнинг мазмун жиҳатидан йўналишлари:**

- тренингларга эҳтиёжни ўрганиш бўйича фокус-гуруҳли ишини ташкил этиш, бунда ташкилотни ўрганаётганида тренинг ролм ва уни билиш;
- тренинг мақсадини белгилаш ва уни ҳимоячи билан келишиши. Ўқув мақсадига қараб тренинг турини танлаш;
- тренингнинг мазмунига, кутилаётган натижаларига қараб унинг давомийлиги белгилаш, вақт ҳисобини олиш;
- тренинг корпоратив хусусияти, тайёргарлик фазолари ва ўтказиш жараёнини белгилаш;
- тренинга тайёргарлик – “нимага”, “ким”, “нимани”, “қачон” ва “қаерда”лигининг ҳисобини олиш; тренинг қатнашувчиларидан таҳминий анкеталар олиш;
- тренинг дастури ва ўқув-методик меёрий ҳужжатларни тайёрлаш;
- корпоратив тренинглар породоксларини олиб бориш, баҳолашни олдиндан кўра билиш;

- тренинг олиб боришда ўқув жараёнига кетадиган тахминий вақт, иштирокчиларни жойлаштириш, ўтиладиган жойни тартибга келтириш;
- тренингнинг бошланиши (очиши) ва тугалланиши (яқунланиши);
- табрикнома, танишиш, ўқув жараёнига иштирокчиларни жалб этиш методларини ишлаб чиқиш.(Уларнинг ўзаро мулоқотини ташкил этиш);
- тренингдан қутилмаган натижаларни аниқлаштириш. Иштирокчилар билан тренингнинг сўнги дастурини келишиб олиш, тренинг жараёнидаги ўзаро муносабатлар қонун-қоидаларини келишиш “ўйин қоидалари”;
- мураккаб характерли иштирокчилар билан иш юритиш, ўзига хос иштирокчиларнинг типларини, конфликтли вазиятларни олдиндан кўра билиш, уларни вақтида бартараф этиш.
- тадқиқот ва қайта алоқа ўрнатиш, тренинг якунида тренинг иштирокчиларидан анкета олиш.

Тренинг ўтказишнинг тузилиши;

- мақсадни белгилаш, ўқитилмаган дастурнинг мазмунини белгилаш;
- иштирокчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини диагностик таҳлил қилиш;
- программа мазмунини муҳитга мослаштириш ва тренинг ўтказиш методларини белгилаш;
- тренинг ўтказиш жараёни;
- тренинг натижасида олган билимларини баҳолаш.

Тренер ким? У нима билан шуғулланади?

Тренер ўқув дастури, тренинг мазмунини, тренинг фаолиятини олиб бориш, тренинг натижаларини баҳолаш билан шуғулланади. Унинг бош мақсади мавжуд бўлган янги методларни, интерфаол усулларини ўқувчиларга ўргатиш орқали уларда янги шароитда, эҳтиёжи мўлжалланган таълим жараёнини олиб бориш кўникмаларини шакллантиради. Шу билан барча ўқувчиларнинг интерфаол усулларга, методларга бўлган эҳтиёжини ўрганиб боради. Шу асосда тренингларни эҳтиёжларга мослаб, лойиҳалаш ишларини олиб боради.

Шу билан биргаликда тренер ўқув курси дастурини, мазмунини шакллантиради, у бир вақтнинг ўзида тренинг қатнашчилари ҳисобини олиб, жараённи ташкил этиш инструкцияси, талаб этилган барча ўқув материаллари, тарқатма материаллари, зарурий техник жиҳозларнинг ҳисобини қилади.

Тренер фаолиятидаги энг муҳим давр тренинг жараёнини ташкил этиш ва олиб боришдир. У ўқув курсининг тақдиротидир. Амалий сессиялар менежменти, мунозаралар олиб бориш, қатнашчилардан олинган жавобларни координация қилиш, қайта алоқани ўрнатиш, ҳар бир бораётган жараённи назорат этиш, вақтида дам бериш, уларни ўқув жараёнида руҳий ва ижтимоий ҳимоя қилиш талаб этилади.

Тренерлар тренинг материалларини тўплаш, танлаш, тақдим этишга юбориш касбий маҳоратини намоён этиши керак. Улар жуда осон мулоқатга киришувчи суҳбатдош ва ташкилотчи, камтар инсон бўлмоғи лозим.

Албатта тренинг якунида тренердан олинган натижани таҳлил қила олиш, баҳолаш керак. Таҳлиллар ҳар доим системали бир тизимда ташкил этилиши керак.

Тренердан тренингларнинг ташкилий муаммоларини ҳал қилиши, тажрибасига суяниши, маслаҳат бериб бориши талаб этилади.

Тренер юксак касб эгаси, коммуникатив кўникма, юқори малакали ўқитувчи, лидерлик функциясини бажара оладиган, менеджерлик даражасида ривожланган шахсдир.

Сўзсиз айтиш мумкинки, ўқитувчиларни янги талаблар асосида ишлашга ўргатишда тренернинг ўрни ва роли беқиёсдир.

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш тренерларнинг иш фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Интерфаол методларни мактаб таълимига киритишдан олдин қилинадиган иш ўқитувчиларни шу жараёнга тайёрлаш ва малакасини оширишдан бошланади. Унинг учун ўқитувчиларни тайёрлашда интерфаол семинар, тренинг, махсус мақсадли курсларда, доимий

ҳаракатдаги ўқув курсларида айрим ҳолларда шахсий дастур асосидаги мустақил малака ошириш жараёнида амалга оширилади.

Уларнинг интерфаол методларни ўзлаштиришлари махсус ўқув гуруҳларида шаклланади. Гуруҳлар ва тренерлар билан ёнма-ён фасилитаторлар иш юритадилар.

Шу муносабат билан фасилитатор ким? Уни функциялари нималардан иборат деган саволга жавоб бериш зарурияти туғилади.

**Фасилитатор** – давра суҳбатларини, мунозара, мушоира, дебат, семинар, тренингларни олиб борувчининг ёрдамчисидир.

Унинг мақсади – гуруҳда гуруҳ аъзоларини қўллаб-қувватлаш, олдида турган вазифани бажаришга йўналтиришдир. У гуруҳ аъзоларининг шахсий ва касбий ривожланишларига қулай муҳит яратиб берувчи шахс. Фасилитатор гуруҳларда ўзаро бораётган мулоқот жараёнини олиб борувчидир.

Фасилитатор гуруҳда ишни ташкил этишда, олиб боришда жараённинг самарадорлигини таъминлайди. Унинг вазифаси гуруҳда ҳамкорликни, ҳамфикрликни, ижодий муҳитни яратиш, гуруҳни жипслаштириш ва вақт регламентини бошқариш. Фасилитатор гуруҳларни бир-бирини қўллаб-қувватлашга, ўзаро ёрдам бериш муҳитида иш юритишга йўлловчидир.

Гуруҳлардаги ишнинг муваффақиятли кечиши, сессияларда ишнинг жонли мулоқотларга бой бўлиши фасилитаторнинг фаоллиги ёки бефарқлиги билан белгиланади. Гуруҳларда сессияларни олиб боришда кўп қиррали ишлар йўлга қўйилиши керак, рухий ҳолатни бошқариш, вазиятлардан чиқа олиш, кўпчиликнинг диққат-эътиборини йўналтира олиш билан белгиланади. Гуруҳларда иш олиб бориш жараёнида ишнинг муваффақиятли кечишга олиб келадиган фасилитатор функциялари қуйидагича бўлиши керак:

1. Фасилитатор ушбу фаолиятга дирижёрлик қилади. У гуруҳдаги ҳар бир аъзони пайқаш, ривожлантириш, энг кичик ғоя ўртага ташланса ҳам дарҳол уни қўллаш керак. Эътиборни кам ташаббусли аъзога қаратиб ҳаммани шу ғояни ривожлантириш, хулосаларга келишга ундайди.

2. Бу фаолият фасилитатордан “башорат” қила олиш қобилиятини талаб этади. Яъни, гуруҳдаги туғилаётган вазиятни пайқай олиш, қисқа вақтда масалани ечим томон бориш. Эркин фикр юритишга, тортинмасдан ўз ғояларини айта олишга йўллайди.

3. Фасилитатор вақт келганда (рақос) ўйинчи ҳамдир. Яъни, гуруҳ ишини дадил, қўрқмасдан ўз ордидан эргаштириш керак. Гуруҳдаги вазиятни секинлаштириш, тезлаштириш, жонлантириш, гоҳо илгари кўзда тутилган сценариядан чиқишга ҳам бориши мумкин. Тиниб-тинчимай олға босиш унинг шиорига айланмоғи зарур.

4. Тиниб-тинчимайдиган, изланувчан фасилитатор тажриба-синов ишларини йўл-йўлакай еча олувчи, керак бўлса илгари учрамаган, кўзда тутилмаган йўлларни излаб топиб ностандарт йўллар билан мантиқан ўйлаб катта ғоялар ечимини топа олувчидир.

5. Олмосдек қайралган инсон сифатида гуруҳдаги иш жараёнини бирор кичик ғоя танлаш, кутилмаган бирор савол ташлаш орқали сифатли, самарали кечишга йўналтиради, мақсадга эришади. Гуруҳда ижодий инновацион фаолият ярата олади.

6. Гуруҳ ишининг боришида у актёрлик функциясини бажаради. Агар фасилитатор жараёнга бор кучи ва бутун вужуди билан киришса гуруҳ иши жонланади, уйғониш, интилиш ҳолатлари содир бўлади.

7. Фасилитатор гуруҳ ишларининг муҳим ҳимоясида бўлиши керак. Гуруҳда ишлаш жараёнида, аъзолар томонидан билдирилаётган ғоялар (ҳатто у жуда арзимас бўлса ҳам) қўллаб-қувватланиб, эътирозсиз иш тутилса, гуруҳ иши муваффақиятли кечади.

Ҳар бир айтилган фикр ва ғояни ривожлантириб, асосий ечим томонга борилади, гуруҳда ёмон ғоя йўқ, унда фақат бирор фикр бор.

8. Фасилитатор қонун ва қоидалар хизматчиси. Ундан ишчанлик ўйинлари жараёнида гуруҳларда ўрнатилган қоидалар регламентларига қатъий риоя қилишни йўлга қўйиш талаб этилади.

9. Фасилитатор гуруҳларда иш жараёнининг дасёридир. Айрим фасилитаторлар гуруҳдаги иш жараёнида ўз мавқеидан фойдаланади, яъни иш жараёнини ўз қўлига олмоғи, ғояларини ўтказмоқчи бўлади. Ўзи ўйлагандек йўлга бурмоқчи бўлади.

“Беминнат” хизмат қилишни мўлжалга олади. Бундай ҳолларда гуруҳ аъзолари фаол жалб қилиниб иш қутилгандагина ўзига хос оригинал ечимлар қидириши зарур.

10. Юморни ҳис қилиш, уни тушуниш фасилитаторнинг энг кучли хислатларидандир. Юмор гуруҳдаги психологик тўсқинларни енгишга ёрдам беради.

Руҳий кайфиятнинг кўтарилиши, ностандарт ўйлаш, фикр юритишга олиб келади. Ақлли фасилитатор гуруҳ аъзоларидан ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган ғоя ва режаларни кутади ва қўллади. Бундай ҳолларда гуруҳ аъзолари орасида эркин ҳолат рўй беради. Бундан фасилитатор ҳам, гуруҳ аъзолари ҳам роҳатланади.

Лойиҳаланган, дастурланган дарслар ўқитувчи ёки ўқувчилар билан ҳамкорликда дарс олдида тузилади. Ушбу лойиҳаланган дарслар ҳамкорлик ва ўқув жараёнини бошқариб олиб бориш натижасига қулайликлар яратилади.

## 11. Интерфаол методлар ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир.

Бугунки кунда бир қатор мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим тарбия жараёнини самарадорлигини кафолатловчи интерфаол методларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар **интерфаол методлар** номи билан киритилмоқда. Қуйида таълим амалиётида фойдаланилаётган интерфаол методлардан бир нечтасининг моҳияти ва улардан фойдаланиш борасида сўз юритамиз:

Интерфаол асосида дарс жараёнини ташкил этилганда:

1. Ўқувчининг ўзаро фаоллиги ошади, ҳамкорлик, ижодкорликда ишлаш кўникмалари шаклланади.

2. Ўқув, режа, дастур, дарслик, стандарт, меёр, қўлланмалар, мавзу мазмуни билан ишлаш малакалари шаклланади.

3. Таълим мазмунини, маърузасини мустақил мутоола қилиш, ишлаш, ўзлаштириш кундалик шахсий ишларига айланади.

4. Ўқувчи эркин фикр билдириш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, исботлай олиш, тасдиқлай олишга одатланади.

5. Энг муҳими ўқув жараёнида дидактик мотивлар вужудга келади.

Яъни, ўқувчининг эҳтиёжи, ҳошиш-истаги қондирилади. Ўқув-билув жараёнида ўқувчининг манфаатдорлиги ошади. Бу ҳолат ўқувчини ўқув мақсадларига эришишда юқори босқичга кўтаради. Дарсни интерфаол методларда ташкил этишнинг қандай афзалликлари мавжуд. Ўқитиш мазмуни яхши ўзлаштиришга олиб келади. “Ўз вақтида ўқувчи-ўқитувчи-ўқувчилар орасида таълимий алоқалар ўрнатилади”. Ўқитиш усуллари таълим жараёнида турли хил кўринишларда кечади.

Ўқув жараёнида ўқув эҳтиёжини қондириш билан биргаликда юқори мотивацияга эга бўлади. Ўқувчиларда ўзаро ахборот бериш, олиш, қайта ишлаш орқали ўқув материали яхши ўзлаштирилади.

Ўқувчида ўзаро мулоқотга киришиш, фикр билдириш, фикр алмашилиш кўникмалари шаклланади.

Ўқув жараёнида – ўқувчининг ўз-ўзига баҳо бериши, танқидий қарашни ривожланади. Ўқувчи учун дарс қизиқарли ва мазмунли ўқитилаётган фанга айланади, ўқиш жараёнига ижодий ва мустақил ёндашишга ҳаракат қилади ва ҳар бир дақиқани ғанимат деб билади. Муҳими ўқувчиларда:

- ўқув меҳнатига ўзида ҳошиш-истак уйғота олишга;
- ҳар қандай вазиятда фаоллик кўрсата олишга;
- айниқса, ҳозирги тезкор ахборот манбаларидан унумли фойдалана олишга кўникмалари шаклланади. Шунинг учун ҳам, ҳозирги кунда ўқувчининг ўз-ўзини

ривожлантириш технологиясини яратиш педагогика ва дидактика фанлари олдида ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардандир.

## 12. Муаммоли таълим технологиялари

Муаммоли таълимнинг бош мақсади-ўқувчиларнинг муаммони тўлиқ тушуниб етишига эришиш ва уни ҳал эта олишга ўргатишдан иборат эканлиги.

Муаммоли вазият яратиш усуллари:

-ўқитувчи ўқувчиларга машғулот мавзуси билан боғлиқ зиддиятли ҳолатни тушунтиради ва уни ечиш йўлини топишни таклиф қилади;

-бир масалага доир турли нуқтаи-назарларни баён қилади;

-ҳал этиш учун етарли бўлмаган, ортиқча маълумотлар бўлган ёки саволнинг қўйилиши нотўғри бўлган масалаларни ечишни таклиф этади ва бошқалар.

Муаммоли вазиятни ҳал этиш даражалари:

-ўқитувчи муаммони қўяди ва ўзи ечади;

-ўқитувчи муаммони қўяди ва унинг ечимини ўқувчилар билан биргаликда топади;

-ўқувчиларнинг ўзлари муаммони қўядилар ва унинг ечимини топадилар.

Муаммоли вазиятни ечишда қўлланиладиган усуллар:

-муаммони турли нуқтаи-назардан ўрганиш, таҳлил қилиш;

-солиштириш, умумлаштириш;

-фактларни аниқлаш ва қиёслаш;

-вазиятга боғлиқ хулосалар чиқариш;

-ўқувчиларнинг ўзлари аниқ саволлар қўйиши ва бошқалар.

## 13. Мустақил таълим учун мавзулар

1. Хизмат интизоми ва касб этика қоидаларини бузганлик учун интизомий ноҳуя хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик тизимини такомиллаштириш масалалари.

2. Мансабдор шахслар томонидан совғалар олишни чеклаш масалалари.

3. Мансабдор шахслар томонидан давлат хизматидан хусусий секторга ўтишни чеклаш масалалари.

4. Коррупцияга қарши курашиш борасида шаффофликни таъминлаш масалалари.

5. Мансабдор шахслар томонидан ноқонуний мол мулк орттириш учун жавобгарлик жорий этиш масалалари

6. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти

7. Коррупциявий жиноятлар содир этилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликка тортиш масалалари.

8. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишда маъмурий таъсир чораларни (превенция) кенгайтириш масалалари.

9. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари фаолиятида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш чоралари.

10. Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш чоралари.

11. Ижтимоий таъминот тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш чоралари.

12. Бандлик ва меҳнат муносабатларини тартибга солишда коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш чоралари.

13. Мактабгача таълим тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш чоралари.

14. Халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш чоралари.

15. Олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш чоралари.

16. Маданият тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш чоралари.

17. Жисмоний тарбия ва спорт тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш чоралари.

18. Давлат харидларини амалга ошириш тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш чоралари.
19. Капитал қурилиш тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш чоралари.
20. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш чоралари.
21. Коррупцияга қарши курашишда замонавий инфорацион коммуникацион технологиялардан фойдаланиш масалалари.
22. Маҳаллий ижро ҳокимияти органларида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш чоралари.
23. Давлат ташкилот ва идораларидаги юридик хизмат ходимларининг коррупциявий жиноятларни олдини олиш борасидаги вазифалари.
24. Коррупциявий жиноятларни тергов қилишда халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари.
25. Коррупцияга қарши курашиш тизимида фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш масалалари.
26. Коррупцияга қарши курашиш тизимини мувофиқлаштириш масалалари.
27. Фуқаролар ўз ўзини бошқариш органларида коррупцион жиноятлар содир этилишини олиш масалалари.
28. Хусусий секторда коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишда комплаенс хизматларининг ўрни ва аҳамияти.
29. Давлат хизматига танлов асосида ишга кириш тизимини такомиллаштириш масалалари.
30. Мансабдор шахслар томонидан мол-мулк, даромадлар ва харажатларни ошкор қилиш тизимини жорий этиш масалалари.
31. Маҳаллий даражада коррупциявий жиноятларни олдини олиш масалалари.
32. Ташкилот ва идораларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишини олдини олиш ва самарадорлигини ошириш масалалари.
33. Ходимлар томонидан касб этика қоидаларини бузишни олдини олиш борасида бевосита раҳбарларнинг вазифа ва ваколатлари.
34. Ходимлар томонидан касб этика қоидаларини бузишни олдини олиш борасида Одоб-ахлоқ комиссиясининг вазифа ва ваколатлари.
35. Ходимлар томонидан касб этика қоидаларини бузишни олдини олиш борасида махсус таркибий бўлинмалар вазифа ва ваколатлари.
36. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг вазифа ва ваколатлари.
37. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумот берган шахсларни ҳимоя қилишни таъминлаш масалалари.
38. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишда коррупция даражасини белгиловчи халқаро рейтинг ва индексларнинг тавсияларини инобатга олиш масалалари.
39. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олиш ва бартараф этиш борасида давлат хизматини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш масалалари.
40. Коррупциявий жиноятларни содир этилишида коррупцияга қарши экспертизанинг ўрни ва аҳамияти.

**11. Ўқув курси бўйича тингловчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш  
(жорий назорат)**

<b>Мавзу</b>	<b>Баҳолаш методлари</b>	<b>Баҳолаш мезонлари</b>	<b>Изоҳ</b>
	Презентациялар	Тингловчи белгиланган вақт ичида мавзу доирасида олган билимларини умумлаштириш лаёқатига эга бўлиши;	5 балли тизим

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- топшириқ бўйича ўзининг ҳуқуқий асосланган таклифи ва унинг ечимини бериш;</li> <li>- мавзу мазмунини ҳуқуқий билимга таянган ҳолда тўғри ёритиб бериши</li> </ul>	
	Тизимли таҳлил этиш	<p>Тингловчи мавзу моҳиятини ижтимоий ҳаёт ва амалиёт билан боғлай олиши;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ижодий фикрлай олиши;</li> <li>- қўшимча чет эл давлатларининг шу мавзуга оид адабиётларини ўрганиши;</li> <li>- соҳага оид ҳуқуқ нормаларини шарҳлай билиши;</li> <li>- қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериши;</li> <li>- мавзуга оид ўқитувчи ва тингловчилар томонидан берилган қўшимча саволларга жавоб бериши;</li> <li>- дарс жараёнида фаол қатнашиши;</li> <li>- дарс жараёни қоидаларига риоя этиши.</li> </ul>	5 балли тизим

**Коррупцияга қарши курашиш борасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати  
мавзуси бўйича саволлар ва жавоблар**

**1. Ўзбекистон Республикасида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиш масаласи қайси норматив актда илк бор белгиланган ?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрьдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПФ-4848-сон Фармонида

**2. Ўзбекистон Республикасида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қайси халқаро ҳужжатга қўшилиш муносабати билан қабул қилинган ?**

**Жавоб:** 2003 йилнинг 31 октябрдаги БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция талабларидан келиб чиқиб.

**3. Қайси ҳолатларда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутатини жиноий жавобгарликка тортиш, ҳибсга олиш учун розилик олиш талаб қилинмайди?**

**Жавоб:** депутат ўзи сайланган Кенгашга қарашли бўлмаган ҳудудда жиноят содир этган бўлса

**4. Қайси мансабдор шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан қўлланилиши мумкин?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга нисбатан

**5. Судья қандай ҳолатларда жиноий жавобгарликка тортилиши ёки қамоққа олинishi мумкин эмас?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ҳулосаси олинмасдан туриб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг розилигисиз

**6. Давлат органи хизматчиси томонидан тамағирлик йўли билан моддий қимматликлар (пора) олинганида, унинг ҳаркатлари ЖКнинг қайси моддаси билан малакаланади?**

**Жавоб:** ЖКнинг 213-моддаси билан

**7. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш қандай асосий принципларга асосланади?**

**Жавоб:** Қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиклик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги.

**10. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби ким томонидан белгиланади ?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

**11. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида:**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси; Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари белгиланган.

**Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари  
ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бўйича  
саволлар ва жавоблар**

**1. Давлат хизматчиларининг қайси фаолият билан шуғулланиши тақиқланади ?**

**Жавоб:** Тадбиркорлик фаолияти билан.

**2. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари ким томонидан кўриб чиқилади ?**

**Жавоб:** Махсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

**3. Давлат хизматчилари хизматдан ташқари вақтда қандай хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак ?**

**Жавоб:** Умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга

**4. Раҳбар кадрларни қайси белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак ?**

**Жавоб:** Қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича.

**7. Давлат хизматчилари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминланмаслиги қандай аталади ?**

**Жавоб:** Инсайдерлик

**8. Давлат хизматчиларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан нималар тақиқланади ?**

**Жавоб:** бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф қўриш.

**9. Қандай сабаблар давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди ?**

**Жавоб:** Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важдлар ва бошқа субъектив сабаблар.

**10. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари одоб-ахлоқ қоидаларини бузишса улар қандай турдаги жавобгарликка тортиладилар ?**

**Жавоб:** интизомий

**11. Деонтология таълимотининг мақсади нималардан иборат?**

**Жавоб:** давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятлари, уларга қўйиладиган чеклов ва таъқиқлар мажмуи белгилаш

**Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида манфаатлар тўқнашувига оид саволлар ва  
жавоблар**

**1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида манфаатлар тўқнашуви тушунчаси қайси қонунчилик актларида белгиланган**

**Жавоб:** 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида

**2. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда манфаатлар тўқнашуви деганда қандай вазият тушунилади ?**

**Жавоб:** Шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

**3. Давлат органларининг ходимлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви юз берганда нима қилишлари шарт ?**

**Жавоб:** Ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши

**4. Давлат органларининг ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни кимлар амалга оширади ?**

**Жавоб:** Давлат органларининг махсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари амалга оширади.

**5. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чоратадбирлар “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг қайси моддасида белгиланган ?**

**Жавоб:** 21-моддасида

**7. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар қандай чоралар кўриши шарт ?**

**Жавоб:** Тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

**8. Давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида кимларни хабардор этиши шарт ?**

**Жавоб:** Ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт.

**9. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом қайси ҳужжат билан тасдиқланган ?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.01.2018 й. 15-сон қарори билан

**10. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мажбурияти қайси органлар фаолиятига тегишли ?**

**Жавоб:** барча давлат органлари фаолиятига тегишли

**11. Коррупцияга қарши курашиш борасида “Кариндош-уруғчилик” ибораси нимани англатади ?**

**Жавоб:** Худудий ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўришни англатади.

**12. Коррупцияга қарши курашиш борасида “Раҳнамолик”, фаворитизм (фр. favoritisme) иборалари нимани англатади ?**

**Жавоб:** Айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлашни англатади.

**13. Коррупцияга қарши курашиш борасида “Кронизм” (инглиз. kroon хамфикр, таниш биличилик, гуруҳ) ибораси нимани англатади ?**

**Жавоб:** Лавозимларни таниш-билишчилик асосида тарқатиш қариндош-уруғчиликка нисбатан кенгроқ маънога эга бўлиб, у берилган лавозимга мос ёки мос эмаслигидан қатъи назар уни дўстларига бериш афзал кўрилган вазиятларни қамраб олади.

**14. Коррупцияга қарши курашиш борасида “Клиентелизм” (ингл. clientelism, лот. clientēla - мижоз) ибораси нимани англатади ?**

**Жавоб:** Юқори лавозимдаги мансабдор шахс ва унга хайрихоҳ бўлган шахслар (мансабдор шахслар, тадбиркорлар, сиёсий гуруҳлар) ўртасидаги нормасмий муносабатлар кўриниши.

**15. Коррупцияга қарши курашиш борасида “Лоббизм” (инглиз. lobby – кулуар, коридор) ибораси нимани англатади ?**

**Жавоб:** Расмий вакиллар билан норасмий шахсларнинг ўзаро учрашиб, расмий қарорлар устунлик қабул қилишдаги сиёсий таъсирнинг ўзига хос тури.

**16. Коррупцияга қарши курашиш борасида “Непотизм” (лот. nepos, nepotis — жиян, невара) ибораси нимани англатади ?**

**Жавоб:** Қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган одамларнинг бирлиги.

**17. Коррупцияга қарши курашиш борасида “Пантуфляж” (фр. pantuflage - шиппакни алмаштириш) ибораси нимани англатади ?**

**Жавоб:** Юқори мансабдор шахсларни назорат остидаги ташкилотларга ишга ўтиш, ёки оммавий сектордан хусусий секторга ўтиш.

**18. Коррупцияга қарши курашиш борасида “Протекционизм” (лот. protection - кўмаклашиш) ибораси нимани англатади ?**

**Жавоб:** маълум бир шахсларни лавозимга тайинлашга кўмаклашиш.

**19. Коррупцияга қарши курашиш борасида “Патронаж” (фр. patron - оталик) ибораси нимани англатади ?**

**Жавоб:** Давлат хизматида маълум бир тойифадаги шахсларга устунлик бериш, уларни асоссиз химоялаш

**20. “Деентология” ибораси нимани англатади ?**

**Жавоб:** Давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятлари, уларга қуйиладиган чеклов ва таъқиқлар мажмуи тўғрисидаги таълимот.

## ГЛОССАРИЙ

**Адолат** - арабча сўз бўлиб, одиллик, тўғрилиқ, ҳаққонийлик деган маъноларни англатади. «Адолат» ўз мазмунига кўра шахс эркинликлари ва мажбуриятлари ўртасидаги мутаносибликни (уйғунликни) объектив ҳолис баҳолашнинг ижтимоий мезонидир. Адолат - одамларнинг ўз бурч ва вазифаларини жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда тўғри, қонуний, ҳалол, виждонан, ҳаққоний ва одилона бажаришларини ўзида акс эттирувчи ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий категориядир.

**Ахлоқ** - аслида арабча сўз бўлиб, хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия деган маъноларни англатади. «Одоб», «хулқ-атвор» маъноларида ҳам ишлатилади. Ҳозирги вақтда бу тушунча жамиятнинг ахлоқий ҳаётида юз берадиган барча жараёнларнинг мажмуини акс эттиради. Ахлоқ тушунчасини икки хил маънода кўриш мумкин: ахлоқ умумий тушунча сифатида этиканинг тадқиқот объектини англатса, яқна тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг ўзига хос кўринишини англатади.

**Одоб** (араб. — адаб сўзининг кўплиги) — жамиятда эътироф этилган хулқ нормаси. Шахс маънавий ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалайди ва ўзгалар б-н муносабат (оила, меҳнат жамоаси, турли маросимлар)да намоён бўлади. Одоб негизида ахлоқнинг баъзи тамойил ва меъёрлари, шунингдек, мақсадга мувофиқдик ва гўзаллик (эстетика) талаблари ётади.

**Бошқарув тизимида манфаатлар тўқнашуви** - мансабдор шахс ўз манфаатларини кўзлаб, жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларга зарар етказиши мумкин бўлган вазият.

**Деентология** – давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятлари, уларга қўйиладиган чеклов ва таъқиқлар мажмуи тўғрисидаги таълимот. 1834 йилда Инглиз ҳуқуқшуноси ва файласуф Иеримия Бентам (1748-1832 й.) «Деентология, одоб тўғрисидаги таълимот» деган асарида илк бор давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятлари, уларга қўйиладиган чеклов ва таъқиқлар мажмуи яратади. Кейинчалик унинг таълимоти асосида деярли барча Европа давлатларида соҳавий деентология кодекслари қабул қилинади.

**Инсонпарварлик** - “Фалсафа қомусий луғат”да инсонпарварлик “Одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фаилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш ғоялари билан суғорилган дунёқараш” сифатида қаралади. “Педагогик энциклопедик луғат”да эса, инсонпарварлик шахс сифатида инсон, унинг эркин ривожланиши ва ўз қобилиятларини намоён эта олишини қадрият сифатида қабул қилиш эканлиги уқтирилади.

Кенг маънода инсонпарварлик – инсонни шахс сифатида қадрият деб белгилайдиган, унинг эркинлик, бахтга бўлган ҳуқуқи, ўзининг қобилиятларини намоён этиши ва ривожлантириши, ижтимоий институтларнинг баҳолаш мезонларида инсон равнақини ҳисобга оладиган қарашларнинг тарихий ўзгарувчан тизими, инсонийлик – одамлар орасида кутиладиган меъёрий муносабат.

Инсонпарварлик яна асосида инсоннинг чексиз имкониятлари ва унинг комилликка доир интилишлари, ўз қобилиятлари, қарашларини эркин намоён этишга доир шахс ҳуқуқини эътироф этиш турадиган, инсон равнақини ижтимоий муносабатлар даражасини баҳолаш мезони сифатида тасдиқлайдиган дунёқараш тамойили тарзида ҳам қаралади. Ҳозирги вақтда мазкур тамойил педагогиканинг асосий тамойилларидан бири сифатида шакллантирилди.

**Иллат** - сўзи касаллик, хасталиқ, жисмоний ва руҳий камчилик, нуқсон деган маънони англатади. Шунга кўра умуминсоний ахлоққа зид иллатлар деб умуминсоний одоб-ахлоқ принциплари ва нормалари доирасига сигмайдиган, унга хилоф равишда содир этиладиган ярамас хатти-ҳаракатларга айтилади. Бундай ахлоқсизларга - ғазаб, жаҳолат, адоват, ғийбат, ҳақорат, ҳасад, нифоқ, зулм, ёлгончилик, маҳтанчоқлик, дангасалиқ, ичкиликбозлик, манфаатпарастлик, шуҳратпарастлик, айёрлик, хушомадгўйлик, иккиюзламачилиқ, эзмалиқ, жиззакилик, бузуқчилик кабилар киради.

**Касб этикаси** нормаларига қўйидагилар киради: инсонпарварлик, хушмуомалалиқ,

хушфеъллик ва одоблик, оддийлик ва камтарлик, ҳалоллик ва ростгуйлик, инсофлик, собитқадамлик, очиқ кўнгиллик, сахийлик ва муруватлик, ўзаро ҳурмат, дўстона муносабат, самийлик, сиполик, катталарни ҳурмат қилиш ва бошқалар.

**Касб одобномаси** – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ва муассасалари ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятчилик қарши курашиш департаменти органлари ходимларининг хизмат давомида ва хизматдан ташқари вақтда юриш-туриш қоидаларини белгилайдиган асосий талаблар мажмуидир.

**Қариндош-уруғчилик, трайбализм (инглиз. *tribe* - уруғ, қабила)** - ҳудудий ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўрадиган, айнан шу манфаатларни биринчи ўринга қўядиган уюшмалар (кўпинча норасмий уюшмалар). Қариндош-уруғчилик умумий ишга, умумдавлат, умумхалқ манфаатларига зарар келтирган ҳолда шаклланиб, ўз мақсадларига эришиш учун аъзоларини мавжуд давлат, ҳокимият ва бошқа поғоналарда юқори кўтаришга ҳаракат қилар экан, бу ҳол хавфли бўлиб қолади. Ана шунда жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига реал таҳдид солувчи маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик ҳақида гапиришга тўғри келади.

**Раҳнамолик, фаворитизм (фр. *favoritism*)** - айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш.

**Кронизм (инглиз. *cron* ҳамфикр, таниш биличилик, гуруҳбозлик)** - лавозимларни таниш-билишчилик асосида тарқатиш қариндош-уруғчиликка нисбатан кенгроқ маънога эга бўлиб, у берилган лавозимга мос ёки мос эмаслигидан қатъи назар уни дўстларига бериш афзал кўрилган вазиятларни қамраб олади. Бу ҳол кўпинча ишга тайинлаш жараёнида, шунингдек баъзан кенг ваколатлар ишга солинган ҳар қандай вазиятда ҳам вужудга келиши мумкин.

**Клиентелизм (ингл. *clientelism*, лот. *clientela* - мижоз)** - юқори лавозимдаги мансабдор шахс ва унга хайрихоҳ бўлган шахслар (мансабдор шахслар, тадбиркорлар, сиёсий гуруҳлар) ўртасидаги нормасмий муносабатлар кўриниши.

**Лоббизм (инглиз. *lobby* – қулуар, коридор)** - расмий вакиллар билан норасмий шахсларнинг ўзаро учрашиб, расмий қарорлар устунлик қабул қилишдаги сиёсий таъсирнинг ўзига хос тури.

**Непотизм (лот. *nepos, nepotis* — жиян, невара)** - қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган одамларнинг бирлиги.

**Пантуфляж (фр. *gantuflye* шиппакни алмаштириш)** - юқори мансабдор шахсларни назорат остидаги ташкилотларга ишга ўтиш, ёки оммавий (давлат) сектордан хусусий секторга ўтиш.

**Патронаж (фр. *patron* - оталик)** - давлат хизматида маълум бир тойифадаги шахсларга устунлик бериш, уларни асосиз химоялаш

**Протекционизм (лот. *protection* - кўмаклашиш)** маълум бир шахсларни лавозимга тайинлашга кўмаклашиш

**Қонунийлик** – жамият аъзоларининг ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда уларни амалга оширишларига айтилади. Хизмат кўрсатиш ходимлари касб ахлоқининг қонунийлик принципи қонунларда, фармонларда, буйруқларда кўрсатилган ва белгилаб қўйилган ҳуқуқ нормаларининг талабларини оғишмай амалга ошириш, мавжуд қонунларга қатъий бўйсунган ҳолда ўзига юклатилган хизмат вазифасини инсонпарварликка, адолатга, қонунийликка асосланган ҳолда бажаришдир.

**Коррупция** - атама лотинча «*corruptio*» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «бузиш», «сотиб олиш» деган маъноларни англатади. Ушбу икки сўз коррупциянинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши тушинилади.

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

**Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари** - қонунийлик; фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги; коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги; жавобгарликнинг муқаррарлиги.

**Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари** - аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш; давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

**Клиентелизм** (ингл. clientelism, лот. Clientēla - мижоз) - юқори лавозимдаги мансабдор шахс ва унга хайрихоҳ бўлган шахслар (мансабдор шахслар, тадбиркорлар, сиёсий гуруҳлар) ўртасидаги нормасмий муносабатлар кўриниши. Раҳнамо (патрон) ва хайрихоҳ, мижоз (клиент) ўртасидаги муносабатлар натижасида раҳнамо шахс мижозлари маълум бир иқтисодий, ижтимоий, сиёсий мақсадларга эришса, раҳнамо ўзининг мавқеини кенгайтиради.

**Мансабдор шахс** — доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

**Манфаатдор шахс** — қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат қаратилган шахс, шунингдек ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари маъмурий ҳужжатга ёки маъмурий ҳаракатга дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс.

**Манфаатлар тўқнашуви** — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

**Манфаатлар тўқнашувининг асосий кўринишлари** - қариндошчилик (қуандачилик), непотизм, гуруҳбозлик, кронизм, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик, раҳнамочилик, лоббизм (идоравий манфаатдорлик) ва бошқалар киради.

**Маъмурий иш юритиш** — маъмурий тартиб-таомил орқали тартибга солинган маъмурий ишни кўриб чиқиш, маъмурий ҳужжатни қабул қилиш, уни маъмурий шикоят бўйича қайта кўриш, шунингдек маъмурий ҳужжатни ижро этиш жараёни.

**Маъмурий ихтиёрийлик** (дискрецион ваколат) — маъмурий органнинг қонун ҳужжатлари доирасида йўл қўйилган чоралардан бирини қонунийликка ва мақсадга мувофиқликка ўзи баҳо бериши асосида ўз ихтиёрига кўра қўллаш ёки тегишли чорани қўллашдан воз кечиш ҳуқуқи.

**Маъмурий органлар** — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколоти берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар.

**Маъмурий тартиб-таомил** — маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалар.

**Маъмурий ҳаракатлар** — маъмурий органнинг жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида амалга оширилган, маъмурий ёки процессуал ҳужжат бўлмаган, юридик аҳамиятга эга ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги).

**Маъмурий ҳужжат** — маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси.

**Маъмурий-ҳуқуқий фаолият** — айрим жисмоний ёки юридик шахсларга ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳига таъсир кўрсатувчи бошқарув фаолияти.

**Норма** - лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида расмийлаштирилган қонун-қоида, ҳамма учун мажбурий деб ҳисобланган тартиб-қоида ёки бирор нарсанинг, ишнинг аниқ белгиланган ўлчами, меъёри деган маъноларни англатади.

**Одоблилик** - яхши тарбия кўрганликнинг намоён бўлиши, хатти ҳаракатларда, сўзлашувда меъёрни, чегарани, мувофиқлик ва номувофиқликни билишдир.

Одоблиликнинг асосий белгиси – ўзини тута билиш, ҳукм чиқаришда шошил-маслик, кишларнинг орқасидан гибат қилиш, ўзгалар фикрини тинглай билиш, ширинсўзлик ҳисобланади.

**Парламент назорати** - “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра (2016 йил 11 апрель) парламент назорати объекти бу давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти дир.

**Парламент назорати субъектлари** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати; Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари, комиссиялари; Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари; Қонунчилик палатаси депутатлари; Сенат аъзолари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

**Жамоатчилик назорати** – “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра (2018 йил 12 апрель) Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг: қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга; фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга; ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга; давлат хизматларини кўрсатишга; ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объектидир.

**Жамоатчилик назорати субъектлари** -Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари.

Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

**Жамоатчилик назоратининг шакллари** - давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар; давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси; жамоатчилик эшитуви; жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик экспертизаси;

жамоатчилик фикрини ўрганиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

**Пора бериш** - мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали мансабдор шахсга моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш.

**Процессуал ҳужжат** — маъмурий орган томонидан маъмурий иш юритиш давомида қабул қилинадиган, маъмурий ишни мазмунан ҳал этмайдиган ҳужжат.

**Прокурор назорати** - прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жинойий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

**Ростгўйилик** – ҳалолликнинг бир кўриниши бўлиб, ҳақиқатни гапириш, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам кадр-қимматини тўғри баҳолаш, яхшини яхши, ёмонни ёмон деб очикчасига айтишдир. Ростгўйлик виждон тушунчаси билан боғлиқ, инсоннинг ўзгага муносабати ўзига муносабатидек соф бўлишини талаб этувчи меъёрлардир.

**Жамоатчилик назоратининг шакллари** - давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар; давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси; жамоатчилик эшитуви; жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик экспертизаси; жамоатчилик фикрини ўрганиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

**Хизматчи** - давлат органида, тижорат, нотижорат ташкилотда меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс.

**Ҳуқуқий прецедент** – суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки қарори бўлиб, бу қарор келгусида барча шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун асос бўладиган намуна, эталон нормадир.

**Ҳуқуқий тартибга солиш механизми** – жамиятдаги турли-туман ижтимоий муносабатларга мунтазам равишда муайян кетма-кетлик ҳуқуқий таъсир этиш жараёнидир.

**Ҳуқуқий тизим** – жамиятда амалда бўлган ҳуқуқ тизимини, юридик фанни, ҳуқуқ тушунчаларини, ҳуқуқий муносабатларни, ҳуқуқий маданиятни, ҳуқуқий амалиётни ва юридик техникани уз ичига қамраб олувчи, у ёки бу мамлакатни ҳуқуқий жиҳатдан қай даражада ривожланганлигини билдирувчи тизимдир.

**Ҳуқуқий тушунча** – ҳуқуқий билиш объектларига хос муҳим белгиларни умумлаштириб, бирлаштириб акс эттирувчи умумий тасаввур.

**Ҳуқуқий фаоллик** - эгалланган ҳуқуқий билим ва кўникмаларни амалда қўллашга интилиш билан боғлиқ фаолият.

**Ҳуқуқни қўллаш** – муайян юридик ишлар бўйича юридик фактлар ёки муайян ҳуқуқ нормаларига асосланиб, ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар томонидан индивидуал характерга эга бўлган қарорни тайёрлаш ва уни қабул қилиш билан боғлиқ фаолиятдир.

**Ҳуқуқни қўллаш акти** – бу муайян юридик иш бўйича муайян шахс(лар)нинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва уларнинг юридик жавобгарлик даражасини белгиловчи, юридик фактлар ва ҳуқуқ нормаларига асосланиб ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан чиқариладиган ҳуқуқий актдир. Ҳуқуқни қўллаш аклари **асослантирилганлик**, **қонунийлик** ва **мақсадга мувофиқлилик** тамойиллари талабларига жавоб бериши лозим.

**Ҳушмуомалилик** - кўнгилдаги ардоқли фикрларни, энг ноёб ҳис-туйғуларни, энг эзгу ниятларни одамлар билан баҳам кўриш, осойишталик, вазминлик, хотиржамлик билан иш тутишдир. Унинг 10-та белгиси бор. Улар қуйидагилар:

инсоф, ақл, илм, олижаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулойимлик.

**Ҳушфеъллилик** ширинсуханлилик, камтаринлик, босиқлик сингари ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар меъёрийлик нуқтаи назаридан ғоят муҳим. Чунки ҳар бир жамият даражаси маълум маънода ундаги фуқаролар муомала маданиятининг юксаклиги билан ҳам белгиланади. Зеро, хушфеъл, ширинсухан инсон ўзининг ҳар бир муваффақиятсизлигига фожиа сифатида қарамайди, алам ёки ғазаб билан ёмон кайфиятини бошқаларга ўтказишга интилмайди; атрофдаги ахлоқий муҳитни бузмайди. Натижада ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам кўтаринки кайфият, турли-туман омадсизликларнинг ўткинчилигини англатувчи ҳаётбахш бир умид бағишлайди. Жамият доимо ўшандай одамларни ҳурмат қилади ва улардан ўрнак олишга интилади.

**Ҳалоллик** ҳар бир инсоннинг ўз кучи билан меҳнат қилиши, шунинг эвазига топган мол-мулки, обриси, жамиятга тутган ўрни, хулқининг тугрилиги, сўзида қатъийлик ва садоқатининг мажмуасидир. Ҳалолликни унинг дастлабки тор диний мазмунида қайси таом ҳарому, қайсиниси ҳалол, деган маънода тушунмаслик лозим. У аллақачон умуминсонийдунёвий маъно касб этган меъёрга айланган.

**Уруғ-аймоқчилик** - феодал жамиятларга хос қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган одамларнинг бирлигидир. Бу -. Бугунги дунёда ҳақиқий маънодаги уруғ-аймоққа бўлинган жамиятни топиш мушкул бўлса керак. Лекин баъзан у шакли ўзгарган, "янгиланган" ҳолда мавжуд бўлади. Кўпгина мамлакатларда қондошлик ришталари ҳозир унчалик кучли эмас. Бироқ улар ўрнига бошқа муштарақлик, бошқа бирликнинг ришталари, жумладан, юртдошлик, ҳудудий яқинлик ришталари вужудга келди. У ёки бу жойдан чиққан, ўша жойнинг ҳудудидан ташқарида, мамлакатнинг бошқа ерларида ўрнашиб қолган кишилар ўз юртдошларига ёрдам берсалар, бунинг нимаси ёмон, деган савол туғилиши ҳам мумкин.

**Этика** - қадимий юнонча «этос» (etos) сўзидан келиб чиққан бўлиб, уй, биргаликдаги яшаш макони, инсонларнинг турар жойи маъноларини англатади. Кейинчалик бу сўзнинг маъноси одоб, ахлоқ яъни инсон муомаласи доираси ва характери ўртасидаги алоқаларни, инсоният сифатининг муҳим белгилари, фазилатлари маъносини билдира бошлаган.